

«ГОШКЕНТ»  
БАДИИИ  
АДАБИЕГ  
НАШРИЕТИ  
1955

РАБИНДРАНАТ  
ТАГОР



СОЧИНЕНИЯ

В ВОСЬМИ ТОМАХ

ТОМ  
СЕДЬМОЙ

ИЗДАТЕЛЬСТВО  
ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ «ТАШКЕНТ»  
1965

РАБИНДРАНАТ  
ТАГОР



АСАРЛАР

САККИЗ ТОМЛИК

ЕТТИНЧИ  
ТОМ

«ТОШКЕНТ»  
БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ  
1965

Улкан адиб, буюк шир, мутафаккир Рабиндранат Тагорнинг ушбу еттинчи томига унинг турли йилларда ёзган шеърий асарлари киртилди.

Маълумки, Тагор ўзининг улкан ҳаёт йўли давомида жуда кўп романлар, ҳикоялар, пьесалар, фалсафий мактублар, поэмалар билан бирга, ажойиб лирик шеърлар ҳам ёзган. Тагор жуда кўп шеърий тўпламларнинг муаллифидир.

Бу томга ана шу тўпламлардан сайлаб олинган шеърлар йил тартибида берилди.

Тагор Рабиндранат.

Асарлар. 8 томлик. Т. 7. Т., «Тошкент», бадий адабиёт нашриёти 1965. Т. 7. Шеърлар. 156 бет. Тиражи 7000.

Тагор. Р. Сочинения в 8-томах. Т. 7.

И(Ҳинд).

# ШЕЪРЛАР





**«ДИЕЗА ВА БЕМОЛАЛАР» ТУПЛАМИДАН  
(1886)**

**ҲАЁТ**

Шу қутлуғ кенг дунёда сира ўлмасам дейман,  
Одамлардан мангулик жудо бўлмасам дейман!  
Балки ёруғ ўрмонда тирик қалблар ичида  
Мангулик ўрин олгум... четда қолмасам дейман!

Ҳаёт оқими мангу, қувноқ унинг ўйини,  
Айрилиқлар, висоллар, қувонч, кулгу ҳам қайғу!  
Мен тўқиб бахт куйини ва бахтсизлик куйини,  
Эҳтимолки, дунёда барҳаёт қолгум мангу?

Асрлар хотирида қолиш бўлмаса тақдир,  
Барибир, ўлгунимча айнинаман сира ҳам;  
Инсонларга улашгум қўшиқларни бирма-бир,  
Қўшиқлар гултожида ўзим қолгум мужассам.

Қўшиқларимни қувноқ қабул қилсин инсонлар.  
Майли, тупроққа отсин агар бўлса хазонлар!

## НЕГА?

О, нега най бунчалар қилади дилкаш нола;  
Мулойим садосида нега эрийди юрак?  
Нега жозибали лаб бир сир этар ҳавола,  
Уша хушнуд пичирлаш уйғотар эзгу тилак?  
Гарчи юрак ибодан қилса ҳам чуқур сукут,  
Гарчи бир зумлик чарчоқ мангуликдай ўтар зил,  
О, нега ўт бағирга талпинади бу вужуд,  
Қўш қаро кўз ҳажрида учмоқ бўлар нега дил?  
Ҳижрон чоғида бизга азиз туюлар висол,  
Юрак орзиқар танҳо шўнғиб туман қўйнига...  
Бугун муқаддас нарса—эрта бўлур хокисор...  
Бизлар девоналикни олганмиз хўп бўйинга,  
Инсон юраги билан ўйнаб, берамиз озор,  
Бағри тошмиз, ихлосманд алдамчилик—ўйинга.



## Қ У Л Л А Р

Оҳ, бу қўллар чирмов бўлиб кимни қучмоқчи?  
Қўллар севги рамзи бўлса, мот қолар атроф.  
Улар кимга: «Севган ёрим, кетма!» демоқчи?  
Кимга улар билдирмоқчи сўзсиз эътироф?  
Улар қалбнинг ич-ичидан сўзларни териб,  
Баданларга ёзиб қўйди титроқ ҳарфлар.  
Улар жонга ҳаловатли хабар келтириб—  
Маъшуқани жазавага солди бу сафар.  
Ёшлик тожин ўша қўллар бировдан олиб —  
Қўйганида ўзгасиннинг бошига бир дам  
Гўё шўрлик ёш йигитнинг қайноқ қалбини —  
Ташлагандай бўлар оёқ остига бирдан...  
Сен қўлларинг ҳалқасини, бу гапнинг ростин,—  
Кўкрагимнинг даврасидан олмагин асти.

**«МУДДАО» ТУПЛАМИДАН  
(1887—1890)**

**ВАЙРОНА КҮНГИЛ УМИДИ**

Ким мени телба деб, қила олар ким  
Паришонхотир?  
Қалбда тош, чўғим йўқ, ақл шами ҳам  
Жим ўчиб ётир...

Аммо ишонаман, яна юракдан  
У тош қўзғалиб,  
Ишқ чашмаси тошиб чиқса тагидан,  
Уйғонар бу қалб.

Юрагимни ҳозир кимнинг нигоҳи  
Ўғирлар қайта?  
Ким юзимга солар ва энди мени  
Телба деб айтар?

Чакалагу ўрмон янгидан яна  
Жонланар қачон?  
Кимнинг ишқи яна мен билан  
Бўлади бир он?

Қоқ кечада қачон жаранглар тағин  
Дилрози — баёт?  
Қачон бизни баҳор муъжизасила  
Қаршилар ҳаёт?

Қачон кўргум яна лола юз қизни —  
Тонг шафағини?

Қачон кияр ўрмон, чакалак яна  
Кўк папағини?

Қайда чирт узилиб, қайда боғланди  
Бор ҳаёт ипи?  
Тун қаерда эрир, қайда очилар  
Севгимнинг гули?

Қайда совиб қолди овланган қушдай  
Ишқим—хоҳишим?  
Шум тақдирдай тўсиб қўйди ким ҳаёт,  
Куйнинг оқишин?

Қайга йўқолди ой, қайси зулматда  
Етар биқиниб?  
Қайда чирт узилиб, қайда боғланди  
Бор ҳаёт ипи?

Ғафлат уйқусида ётибди юртим  
Бежон ва беҳуш,  
Гўёки қоронғи қилинган ёпиқ  
Қафасдаги қуш.

На бир юмшоқ бутоқ, на бир енгил қуш,  
На япроқ, гул бор,  
На қуёш бор, нур бор, на ёз қўшиғи;  
Езги ҳосил бор.

Ҳаёт дарёдаги ожиз қайиқдай  
Сузар маёқсиз.  
Ғафлат уйқусида ётибди бежон  
Юртим боёқиш.

Ҳаёт пуч хаёллар зиндонида берк,  
Қулф-калитлик,  
Гўё оёқларга урилган кишан  
Йўл устида тик.

Иблис пойлоқчидай ёпиқ эшикда,  
Ҳаёт бўм-бўш, лол.  
Биҳишт дарвозасин олтин очқичин  
Қидирар савол.

Хаёт пуч хаёллар зиндонида берк,  
Қоронғи зиндон.  
Аммо хомхаёллар жилмайиб, дунё  
Уйғонар хандон!..

Бир ҳамлада йиртар қора пардани,  
Йўқола рўё.  
Юмшоқ қўлларида кулиб уйғонар  
Босириқ дунё.

Муъжиза мўралаб яна эшикдан,  
Табассум қилар,  
Ҳар бир уйга кириб, инсонни ишқ-ла  
Шод, маъсуд қилар.

Наврўзда у қайлиқ—ер билан бирга  
Яшарар чунон.  
Бир ҳамлада йиртиб қора пардани,  
Қилади яксон.

Уйин-кулгиларда ишқ савдосини  
Бахш этар қалбга.  
Умид даракчиси—кўклам жарангин  
Нақш этар қалбга.

Кўклам ёшларидан қайнар ҳаяжон,  
Нақ иссиқ олов.  
Тошқин селлар келиб, ташланар менга  
Кучли, беаёв.

Қўшиқ совға қилар наврўз—меҳмоним,  
Қўшиқлари соз.  
Уйин-кулгиларда ишқ савдосини  
Бағишлар танноз.

## БЕҲУДА ҲАВАСЛАР

Беҳуда кўз ёшлари,  
Аламлар-ла лиммо-лим беҳуда илтижолар...  
Қизариб ботмоқда кун.  
Ўрмонда тим қоронғи, осмон ҳали ёп-ёруғ.  
Кўзларни қилиб хира,  
Уфқларнинг ортига секин судралар оқшом,  
Кечки шабада эса шу қадар нафис, сокин,  
Шивирлаяптими, йўқ,  
Пайқаш қийин нафасин.  
Кўлингни кўлларимда тутиб турибман юмшоқ,  
Кўзларингнинг ичига тикилган оч нигоҳим,  
Излаганим —  
Қани сен?  
Қани сенинг  
Хушбўйинг?  
Тунги осмоннинг қора духобасидаги у  
Беҳисоб юлдузларнинг жимирлашига боқиб  
Кўкнинг муқаддас сирин билиб олганим янглиқ,  
Қатағон ўрмон ичра, зулумат пардасида  
Кўзинг тубига боқиб,  
Кўрмоқдаман чўғида  
Қалбингнинг ловиллаган яширин оловини.  
Кўзларингга боқишим худди шу сабабдандир,  
Қалбим вужуди билан,  
Хаёл булути билан

Тиниқ ирмоққа ўхшаш жаранг товушларингда.  
Ишқ уммонида оқишим худди шу сабабдандир.  
Шўнғиб кирсам ичига,  
Тополаманми сени?  
Нега бекор кўз ёши;  
Аччиқ йиғлаймиз энди?  
Оҳ, рўёбга чиқмас умидлар!  
Бу завқ сенгамас, ахир,  
Сенга очилмас бу сир!

Лип этган табассуму  
Томчи ёш оқиш билан,  
Бир қиё боқиш билан  
Севги кўланкасида  
Олган лаззатларингга, насибангга шукур қил!  
Одамни ўзингники қилмоқчимидинг тамом?  
Шаддодлигингни қара!  
Эвазига бергулик бирон нарсанг борми. айт?  
Ростданам муҳаббатинг ўлчовсиз, бениҳоя?  
Наҳотки, севгинг ҳаёт уммонин лабигача  
Тўлдиролса лиммо-лим?  
Мана у — одамзод-ла қирғоғи тўлиб-тошган  
Ҳадсиз осмони фалак.  
Мана улар, тумонат тўғри ва эгриларнинг  
Шарқу Ғарбдан серқирра  
Қоялар-ла ўралган  
Юз миллион йўллари, кесик-кесик йўллари.  
Наҳотки, сен ана шу қинғир-қийшиқ йўллардан  
Биттасин, энг адлини танлаб олосанг тўғри,  
Токи умрдошингни энг текис йўлдан бошлаб,  
Бирга айласанг хиром?

Ҳаёт чиғриқларидан минг бор ўтган жафокаш,  
Юраги қийма-қийма,  
Чилпарчин, аламдийда  
Эй инсон,  
Ўзингнинг қуруқлигинг ўзингга етмасмиди,  
Шерик бўлмоқчимисан бировникига тағин?  
Гап бунда овқатдамас,  
Қорин ғамимас асло!

Ҳаммамиз ҳам шипшийдам,  
Ўз нарсамиз дегулик ҳеч нимамиз йўқ, инсон!

Сокин оқшом киприкларни силади.  
Мусаффо кўз ёшларинг қуйилади  
Эҳтиросларинг ўтин ўчирмоқ учун секин.

Аста-аста қайтамиз уйга кейин...

## ҲИЖРОН — ЮПАТҚИЧ

Ҳа, сен ҳақсан, кетганинг тузук!  
Майли, огритсанг ҳам дилимни, аммо ўзгартирма  
фёълингни,

Чимирилма, қошлари сузук.  
Не сабадан йиғлайман юм-юм? Сенга интизорми бу  
севгим?

Йўқ, сабаби сенмас, бўтам, йўқ.  
Сабаби шу зулмат пардаси, унинг изтиробли шарпаси,  
Ва термулган юлдуздаги чўғ.  
Кун қизариб нур югуртирар, киприк шабнамани  
қуритар,

Сўнг хотиржам тепар тагин қалб.  
Тагин турмуш ташвиши ичра ором олар юрак бир сира  
Севгинг билан жим хайрлашиб.

Тўлиной ва осмон сингари биз топишган эдик илгари;  
Гул ва булбул каби мастона.  
Лек осмонни қоплади булут, энди булбул зори ҳам  
унут.

Йўлларда на ой нури ёнар.  
Нимага бу қийноқ, оҳу зор? Дил ипини чирт узиб  
юбор,

Раҳм қилма, оғир бўлса ҳам.  
Минг зориқиб кутгандан кўра, тутаб ёниб битгандан  
кўра

Менга зарба осонроқ бу дам.  
Ҳўш, не бўпти; қарор шу, демак, хайрлашув оннда  
бешак



Хайр!—деган сўз инъом эта қол...  
 Ҳртадаги муҳоббат унут бўлсин деган қароринг  
 дуруст,  
 Ҳа, кетганинг дуруст, кета қол!  
 Дарё чуқур, сувлари чопқир, бари унутилар бир  
 топқир,  
 Биз иккимиз икки қирғоқда.  
 Қўлимизда тутган бахтимиз сув юзида секин қалқиди;  
 Тўлқин олиб кетар йироққа.  
 Ҳамма нарса тўзар охири, шундай, бўтам, тириклик  
 сири  
 Пачоқ бўлар бир куни бари...  
 Тинар денгизларнинг тўлқини, ўчар ўрмонларнинг  
 ёлқини,  
 Чўкар ўтмиш хотиралари.  
 Қат-қат кунлар, қатлама йиллар орасида нақшланиб  
 излар,  
 Ўтиб кетган Вақт Филдираги.  
 Унинг чуқур изида хомуш бир замонги ҳаёт, завқ,  
 юмуш —  
 Ётар, эзилгандай юраги...  
 Поёнсиздир ўша чуқур из, довулли ва оромбахш  
 ҳаргез  
 Ўша машъум филдирак изи.  
 Сайёралар қамашар мангу, кеча-кундуз алмашар  
 мангу,  
 Эвоҳ, мангу дейишмас бизни...  
 Биздан кейин келар ўзгалар, ишқ ва азоб билан  
 қўзғалар.  
 Янги ҳаёт бўлар — нечанчи?  
 Саноқлидир бизнинг вақтимиз; қайтмас қўлдан  
 кетган бахтимиз,  
 Вақт фанимат, тез бўл! — десанг-чи...  
 Кўнглим таскин топармикин; айт, қандай ўтар  
 ёлғизликда пайт?  
 Менга малҳам бўлар қайси гул?  
 Билмам, сенсиз қандоқ яшагум? Аммо, жоним;  
 тўхтама бир зум,  
 Ҳа; сен ҳақсан, кетганинг маъқул!

## ШУБҲА УРТАШИ

Яхши кўрасанми, йўқ, оёғинг тагида зор  
Термулиб ўлтираман,  
Дийдорингга тўёлмай, кўзингдан излаб жавоб,  
Тилсиз, жим мўлтирайман.  
Кетингдан эргашаман, эргашаман соядай.  
Кундузи ҳам, тунда ҳам.  
Бир қиё боқсанг, менга шунинг ўзи мукофот,  
Шукур дейман шунга ҳам.

Яхши кўрасанми, йўқ, сўрашга тилим бормас  
Тополмасдан ширин сўз...  
Нега энди ўзимдан олмайин алаимни,  
Пинҳон ёш тўкмасин кўз!  
Жонингга тегмайин деб, киборга ўхшамай деб  
Қуяман, дилим нолон,  
Мушк-анбарларингга битта гул тақмоқ учун  
Боғни қилардим талон.

Яхши кўрасанми, йўқ, аммо севгим абадий  
Бағишланган ўзингга.  
Бир имо қилсанг, барин муҳайё қиладирман  
Биттагина сўзингга.  
Қурбонинг бўлай, қалбни юпатгали, қўлингда  
Жон бериш ҳам ёқимли.  
Марди-майдонинг бўлай, буюр, токи дилимни  
Оқизсин ишқ оқими.

Яхши кўрасанми, йўқ? Менинг лол сўроғимга  
Жавобинг тайёр шу дам.  
Қабул қилмайсан менинг кўз ёшимни, розимни,  
Нигоҳ гулларини ҳам...

Жонимни сенга садқа қилсам ҳам, муз экансан,  
Менга чўғ беролмайсан.  
Қалбим чанқоғин босиб, қуришқоқ лабларимга  
Севгинг ичиролмайсан...

Оҳ, севаман!—десайдинг. Хўп!—десайдинг бир  
оғиз.

Бир лутфинг билан бирдан  
Рўйи замин ёришиб, ернинг бор фарзандлари  
Баҳра оларди нурдан...  
Мен, боёқиш, қувониб хазина топган каби,  
Ҳаммага улашардим,  
Елғизлар бошин силаб, етим-есирлар билан  
Завқ қилиб кулишардим...

Лекин биламан, мени севмайсан, мен бекорга  
Кўп алдадим ўзимни.  
Яхши кўрсанг, дилимни қилмасдинг қийма-қийма,  
Термултириб кўзимни!  
Бирга ин қуролмаймиз, жон риштаси эмассан,  
Турганинг — гумон, совуқ...  
Бандиликдан ёруққа тезроқ чиқсайдим. Аммо...  
Севасанми ёки йўқ?!

## ҲОРҒИНЛИК

Ой тўлишган нам кеча, ҳазин хаёллар эзар,  
Тонггача увлар шамол.  
Уйқу босар. Киприк зил, ҳаёт чайқалар оғир,  
Бир ҳаётки, бемажол.  
Кўкда кўз юммаган ой, уйқуга чўммаган ой,  
Тагида очиқ дарча,  
Қайгадир жим оқар Ганг, маст уйқуда тўлганган...  
Соат занг чалар анча.  
Бриндабон<sup>1</sup> қўшиғи... Ҳорғин дилнинг ошиғи —  
Эсдалик қалқар ювош.  
Дил қоронғи, дил оғрир, кўз ёши худди ёмғир,  
Кўзларни куйдирар ёш.  
Тушлар оқими тошиб, дилни овлаб, талашиб,  
Тортар қора ўпқонга.  
Сузган маёқни дарҳол ўчириб қаттиқ шамол,  
Ғарқ қилган каби Гангга.

---

<sup>1</sup> Бриндабон — ривоятларга кўра, тангри Кришнанинг ёш по-  
лачилар билан ўйнаган жойи. Бриндабон қўшиғи — севги ҳақи-  
даги, унинг лаззатлари ва аламлари ҳақидаги қўшиқдир.

## Х А Й Р Л А Ш У В

Уммонларнинг тўлқинида сузар ҳаёт қайиғи.  
Атринг билан муаттардир шаббоданинг илиғи,  
Сезяпман бу атрингда соғинчли қирғоқларни,  
Мен дуч келган қайғуларни ва қувончли чоқларни,  
Пучга чиққан тилакларни, айтилмаган сўзларни..  
Мен эслайман йироқларда бедор қолган кўзларни.  
Чўкаркан ғарб тоғларига қоронғилар, бир зумда —  
Темирқозик юлдузидек ярқирадинг кўзимда.  
У фусункор кўзларингнинг тан бериб таъсирига,  
Шайдо бўлдим аллақандай ўлкаларнинг сиррига.  
Янги-янги уфқларга из ахтариб йўл юрдим;  
Сарҳади йўқ, охири йўқ бир ўлкани қидирдим.  
Уйлар эдим, мен ахтарган диёримга қўнарман,  
У диёрнинг манзилида бир дақиқа тинарман..  
Кўкда булут, мендек оғир, бир панага сиғинар,  
Нигоҳларинг узоқ-узоқ соҳилларни соғинар.  
Сен ҳаётни эрмак дема. Бир ўзинг тур бенидо.  
Ғарбга қара! Қоронғига ботди бизнинг «алвидо!»  
Тағин ўзим пешвоз чиқдим олисдаги қуюнга,  
Сен-чи, қайтдинг ҳонадонга, қўғирчоқдек уйингга.  
Ҳар янги кун қайтишингдан олиб келар хушхабар  
Заҳмат бирла машаққатлар ичида шу вақт ўтар.  
Уйинлардан тинканг қуриб, ишратлардан безарсан,  
Пироварди овозингда бир ҳорғинлик сезарсан.  
Офтобдан қовжираган ҳовличангга хилватий —  
Бора-бора ғира-шира қоронғилар келади.  
Сен ўшанда бу соҳилга иккинчи бор кела қол,  
Бунда денгиз қучоғида само сузар бемалол,

Сен толиққан кўзларингни илгариги сингари  
Угириб боқ кунботарда қорайган тоғлар сари.  
У ерда сен сезажаксан ойнинг тиниқ нафасин,  
Сен билан мен хайрлашган дақиқалар шарпасин.  
У ерларда бир юлдуз бор — кўз ёшининг қатраси,  
Кўзларингга тикилади унинг маъюс чеҳраси.  
Сен тун бўйи на ётасан ва на сокит ухлайсан,  
Ётоғингда ёлғиз ўзинг, бедор бўлиб йиғлайсан.  
Оғир тушдай, ўз умрингнинг бошланғичин эсларсан,  
Хотирангда унутилмас калимани сўзларсан.  
Эшитарсан уммонларнинг абадий чопишларин,  
Бепоёнлик сирларин, ғалати товушларин.  
Эшитарсан ҳар галгидай ўзгарилмас яллани,  
Қоинотнинг тепасидан ёғаётган аллани.

## ШОИРГА ХИТОБ

Нега сен, эй шоир, бутларга ўхшаб  
Бу ерда қотгансан, мурдадек қақшаб?..  
Қараб кўр, ҳар лаҳза, ҳар дам, ҳар жойда  
Янги ҳаракатлар бўлмоқда пайдо,  
Ҳатто қуёш кезар қадамлар ташлаб...

\*

Қайдадир хилватий, танҳо маконинг?  
Донишманд, қайдадир махфий сирдонинг?  
Алла қаёқларга тез учар шамол—  
Қанотида сени элтади хаёл,  
У сенинг ягона соҳибқиронинг?

\*

Қоинот уйидир шодёна уя.  
Сен санқиб юрасан куйина — куя.  
Юрасан қўшиқсиз, кўзларинг ёшлаб,  
Чунки, сен туғилган илк кундан бошлаб  
Ўзингни ўйлабсан табаррук дея.

\*

Сен кўкда қуш каби қилгансан парвоз.  
Ерда-чи, ўзингни сезасан носоз.  
Шону шуҳрат бўлмиш сенинг навқаринг,

Доим эшитасан: «Балли, офарин!»  
Сендан дарс олмоққа ҳамма ишқибоз!..

\*

Куннинг шафақлари илк кўринган чоқ  
Шамолдан яшарар ҳаёт ва тупроқ.  
Аммо қўшиққа зор инсон кўзлари  
Ҳасрат-ла қарайди осмон сари.  
Сенинг қўшиғингга одамлар муштоқ.

\*

Одамлар ҳайқирар замоналарда:  
«Нашъа бер бизларга тароналарда!  
Ҳар хил андишага муҳлат жуда тор!  
Бизга дил қўшиғинг, нашиданг даркор!  
Ҳаёт кутолмайди остоналарда!»

\*

Ҳамма юрмоқдадир, сен эса — карахт.  
Ҳа, номинг, мақоминг баланддир шу вақт.  
Оҳ, нега сен, ўзинг бутларга ўхшаб  
Мозор тошларидек ётибсан қақшаб?  
Шоир соқов бўлса — омадсиз, бебахт.

\*

Гарчи тан бермайсан, аммо толибсан.  
Томоғинг қурдимиз? Ожиз бўлибсан?  
Сени эшитмоққа тайёр бўлганлар—  
Иккита сўзгина тинглай олганлар.  
Шу учун уларга сен ёт қолибсан!

\*

Юзингнинг ниқоби маккорларга хос,  
Тағин одамлардан кутасан ихлос.  
Аммо инонмаслар кўз ёшларингга,  
Кулиб имлаётган кўз-қошларингга.  
Ҳақиқат ёлғонни фош қилар паққос.



Барча шеърхонлар раъйи пайваста.  
Бир хили дангал дер, бир хили аста:  
«Бездик шу қалбаки куйлардан шу кез!»  
Тўғри гап айтсалар жаҳлинг чиқар тез,  
Бежо тажанглигинг тутар бирпасда.

\*

Шухратга талтайиш айни аҳмоқлик,  
Анқовлар ишидур кўп мақтанмоқлик.  
Бир хил лаганбардор тоифа ҳам бор,  
Ҳатто мурдаларга айтади «алёр»,  
Мансаб эгасига қилиб ялтоқлик.

\*

Оҳ шоир, нега сен, боғи-жаннатда,  
Яъни ватан деган шу мамлакатда —  
Сахрога юз тутиб зим кетдинг бирдан,  
Шу ваздан биёбон сўниқ кўз бирлан  
Қарар куйганингга чўлда — ғурбатда.

\*

Азалий ҳаракат йўлида шу чоқ —  
Тўсиқ бўлиб ётган тошларга сен боқ!  
Самонинг энг йироқ қаърида ҳамон  
Бошланғич моддалар қилар ғалаён:  
Туғилар биринчи юлдузлар порлоқ!..

\*

Ҳатто қум донаси сени қоралар,  
Охир, у обида шаклида қолар!..  
Чунки, бу оламда шу қонун экан:  
Ўзига сиғиниб бино қўймаган —  
Гўзаллик яшнару яшар муқаррар.

Боқ, мовий фазода бир ўзи ва жим  
Кўзлар коинотни улуғ мунажжим.  
Кечалар қўйнида қидириб марра  
Санар юлдузларни заррама-зарра.  
Олис тўлқинларни ўлчайди ҳақим.

\*

У бизга кашф этди янги оламлар...  
Булардан беҳабар жоҳил, дарбадар.  
Шуҳрат доноларни ҳеч алдай олмас.  
Унутилган билан ижодкор ўлмас.  
Улар келгусини ақл ила кўрар.

\*

Армонлар етуксиз бўлган туфайли,  
Қафангадо бўлди донолар майли.  
Чор атроф қоронғи, бўғилар нафас.  
Уларнинг биронта юлдузи ёнмас.  
Аввал ёнганлар ҳам сўндилар, майли!

\*

Ана, йироқларда турар донишманд.  
Қомати музли оқ зирвалар монанд.  
Унинг салобати безар чўққини,  
Аммо фикрларин жўшқин оқини —  
Зарбидан ўприлар тош, қоя, дарбанд.

\*

Ҳар ёққа айрилган йўллар қошида,  
Ҳақимлар турибди манзил бошида  
Адабий ҳаётни кузатар улар.  
Тепада осмон жилиб қўйилар,  
Янги кун келади тонг қуёшида.

\*

Бунда кўр юксаклик негизларини,  
Худованд бир кезган ер изларини.  
Шоир, сўрайдилар сендан ҳам бир чоқ:  
— Сен кимсан? Тақлидчи, эзма, мақтанчоқ  
Ёки бир калима пайғамбарими?!



### МУҲАББАТИМ БИЛОНИҲОЯ...

Сен ягона севгилимсан,— юзлаб суратда  
Ўша чеҳра, ўша кўзлар, ўша боқишлар.  
Қайта-қайта туғилсанг-да, ўша дилдорсан,  
Сенга қойил ошиқ дилим сени олқишлар.  
Сенинг сўлим гарданингни безамоқ учун  
Гулчамбарлар тўқиб қўйдим тароналарда,  
Сен совғамни қабул этдинг юз қиёфада —  
Қайта-қайта туғилишлар, замоналарда.



Ўтиб кетган чоғлардаги севги ва ҳижрон,  
Дарду бало бобида кўп қисса тингладим.  
Энди чексиз замонага ўзим ғарқ бўлиб  
Бир нарсани аниқ англадим:  
Сен азалдан Темирқозик юлдузидек порладинг,  
Ўзга эмас, сен ўзинг ёлғиз.  
Зулматларнинг ниқобини кесиб парчалаб  
Осмонимни сен ёритдинг эй олтин юлдуз!



Аввали йўқ замонларнинг губсиз қаъридан  
Оқиб келиб қовуштирар бизни муҳаббат.  
Туман-туман ошиқ-маъшуқ ёронларнинг биз  
Орасида ўйнаб юриб сузамиз фақат.  
Зор йиғлаймиз биз фироқлар алангасида,

Аммо висол дамларида кўнгилда ғашлик.  
Ҳамма нарса бўлганидек. Янги либосга  
Ясанмоғи лозим экан эски дилкашлик.

\*

Аммо бугун муҳаббатим билиб ўз ҳаддин —  
Тиз чўқади таъзим билан оёқларингга.  
Ҳаётимни ва ўзимни, саодатимни —  
Зарра қучмай бағишлайман дудоқларингга,  
Шу бирдан-бир муҳаббатда бўлади аён  
Ўтмиш йироқ давронларнинг севгиси, меҳри,  
Турли-турли асрларда шоирлар ёзган  
Муҳаббатнинг шаънидаги ғазали-шеъри.

### У Н У Т И Б...

Ҳаммасин унутгандим,  
Бир нидо келди ногоҳ:  
«Тилсиз, жим чақираман,  
Гирён кўзларимга боқ».  
Кўзларим эса тўниқ,  
У ҳислар чўғи сўниқ.  
Ўтган кунлар шарпаси...  
Кўз ёшим қайноқ-қайноқ,  
Кечма, эй зум, кечмай тур!  
Ҳаммасин унутгандим.

Гунчалар тар очилиб.  
Титрарди пушти лаби.  
Гул узгандик ўшанда,—  
У кунлар бир туш каби...  
Кўзимиз қувнаганди,  
Япроқлар ўйнаганди,  
Дилни ёритган эди  
Табассумнинг офтоби...  
У дамларни унутиб,  
Ҳаммасин унутгандим.

Унутдим, мен-ла бир вақт  
Сўз базмини тузганинг,  
Бир боқмай ўтиб кетиб,  
Умидимни узганинг.  
Ёдимда, номус ўти,

Қонмаган ҳавас тоти,  
Қалбларнинг жим титраши,  
Порлаган ҳуснинг шами...  
Сен ҳаммасин унутиб,  
Ҳаммасин унутгандим.

Гуллар унутгани йўқ,  
Биз-чи, биз? Улар ҳар гал  
Бизлар учун очилар  
Улар йил сайин гўзал.  
Мана, чампак<sup>1</sup> ранг-баранг,  
Нурни эмишин қаранг...  
Кимнинг зулфида бу тун  
Сўларкин хушбўй бакул?<sup>2</sup>  
Ким унутди, ким унутмади,  
Ҳаммасин унутгандим.

Тунни қандай ўтказар  
Мадхоби<sup>3</sup> ёлғиз ўзи?  
Енида дилдори йўқ,  
Ойнинг ҳам қонсиз юзи.  
Найлардан узилар куй,  
Гуллардан сепилар бўй...  
Нега зим-зиё боғда  
Овора бўлмай тўзиб,  
Сен келган бўлсанг агар  
Ҳаммасини унутиб?

---

<sup>1</sup> Чампак — хушбўй сариқ гулли дарахт.

<sup>2</sup> Бакул — ҳазон бўлмайдиган яшил дарахт; бакулнинг майда оқ гулларидан мушк-анбар таралади.

<sup>3</sup> Мадхоби — кўкламда очилувчи чирмовуқ гул; унинг ифоруллари ҳинд шеърлятида кўп тилга олинади.



## БИЛМАДИМ, БУ ЯХШИМИ Ё ЙЎҚ?

Билмадим, бу яхшими ё йўқ?  
Нур сепарди юлдузлар менга,  
Энди шайдо бўлдим сенга,  
Юлдузларнинг бари ўчган чўғ...  
Билмадим, бу яхшими ё йўқ?

На ҳашаму толе ёр эди,  
На ёнимда дилдор бор эди,  
Эшигимнинг тагида фақат  
Бўлмас эди гуллар заъфарон;  
Овутарди умид ва армон.

Фақат ер-кўк бор эди менга,  
Улар гўё яширинган сенда,  
Бир ўзингни ўйлайман танҳо!  
Билмадим, бу яхшими ё йўқ?

Ҳозир дил тўла титроқ,—  
Наинки ёнингдаман,  
Уйқум йўқ, кўзим уйғоқ,  
Сен менинг жонимдасан.

Қалбим ҳам, қўшигим ҳам  
Сеникидир батамом.  
Менга ўзинг бўлсанг бас,  
Ҳеч нимага йўқ ҳавас,  
Рад этиб муҳаббатни,

Ташлаб кетсайдинг, санам,  
Тополмас эдим бахтни  
Дунёни забт этсам ҳам.  
Ҳаёт — сен! Сенсиз дунё  
Саҳродай сарғаярди.  
Тақдиримга босарди  
Тамғасин ўлим гўё.  
Билмадим, бу яхшими ё йўқ?

## УШАНДА ВА ЭНДИ

Сел қайнаб эшитилмас гулдураклар қарс-қурси,  
Осмон зим-зиё бутун,  
Офтобсиз, рангпар кун,  
Зумрад япроқларгача ургандай ҳазин нуқси.

Ўтиб кетган васлни эслаб қолдим шу замон,  
Радха<sup>1</sup> кутарди зор-зор,  
Дарахтлар — қора девор,  
Ёмғирда жим нурланиб ётарди Бриндабон.

Худди шундай тўполон қиларди шамол, ёмғир,  
Кўк туман эсар эди,  
Чақмоқлар кесар эди,  
Радханинг изтироби ширин эди ва оғир.

Дилини пораларди чақмоқларнинг сингани,  
Самода эди кўзи,  
Муъжиза тилаб ўзи,  
Булутлар орасида кўрарди согинганин.

Тикиларкан дайдининг ёри зулматга фақат,  
Қайиқлар сузишарди,  
Дилдан куй узишарди,  
Тонггача гулдураб кўк, қалбни босарди ҳасрат.

---

<sup>1</sup> Радха — барно чўпон Кришнани севган ёш соҳибжамол чўпон қизнинг афсонавий тимсоли.

Куберанинг<sup>1</sup> хотини, ол торинг тушиб кетди,  
Сочингни ҳам ўрмабсан,  
Кўйлак кийиб кўрмабсан,  
Уша куни бундан ҳам хафақон, сиёҳ эди.

Жамуна соҳиллари, гуллар, раққоса товус,<sup>2</sup> —  
Эслаб қолдим ҳаммасин;  
Емғирли эй нафаси —  
Ғуссадир; Срабоннинг<sup>3</sup> кўлкаси фироқ, совуқ.  
Ҳамон торни соғиниб йиғлар қирғоқ ва дарё.  
Тун ярмидан то саҳар  
Севги базми жаранглар,  
Радха дод солар ҳар ён,  
Йиллар ўтса-да ҳар кун.

---

<sup>1</sup> *Кубера* — ҳинд мифологиясида бойлик худоси.

<sup>2</sup> *Раққоса товус* — товуслар одатда ёмғир ёғиш олдида ўйин-га тушади. Ҳинд шеърлятида бу шеърый тимсол бўлиб қолган.

<sup>3</sup> *Срабон* — бангол календаридоги бешинчи ой, июль-августга тўғри келади; энг серёғин ой. Ҳиндистонда бу фасл севги фасли ҳисобланади.

## ХОЛИ ХОНАДАН

Сен, эй тангри, одамзодга муҳаббатни бахш этдинг.  
Аммо кўргин: бечорага не балолар юз берган.  
Кўрасанми: у сочларин юлар ҳижрон дардида.  
Нега, нега йиғламайсан инсон билан сен бирга?

\*

У зорланар: эй яратган, менга азоб келтирдинг.  
Аммо, сира лутф этмадинг қийнаганда мени дард.  
Агар бола бўзлаб турса недир бунинг маъноси?  
Яъни бунда онанинг ҳам ўртаниши эрур шарт.

\*

Нега сенинг қонунларинг шунча қаттиқ, шиддатли?  
Усиз ҳамки, юракларда кўп алам бор, кўп малол.  
Усиз ҳамки, нола, фарёд қалбимизда азалий.  
Усиз ҳамки, кўнгилларни ҳаёт қилди поймол.

\*

Хўш, бўлмаса, нега қалбга тасалли бахш этмайсан?  
Нега соқов, бежавобсан саволларга, унларга?  
Нега насиб қилмай келдинг унга ёрин дийдорин?  
Нега ҳижрон кишанларин ирғитмадинг тунларга?

\*

Эй тупроғим, менинг онам! Шу юракнинг дардига  
Нега вазмин жавоб билан кўтармайсан сен фарёд.  
«Мен хок эмас, ғубор эмас, мен кул эмас, жоним  
бор.  
Мен тирикман. Ғамларингни улашаман одамзод!»

\*

Йўқ, азизим, сен ўксукдек букилмагин ерингда,  
Ўгай эмас, чин фарзандсан. Тур барала шу жойда.  
Ҳаяжонли ноланг сенинг фазоларга юксалсин,  
Ҳақ овозинг кезиб юрсин юлдузларда ва ойда.

\*

Кеча худди тўлган коса янглиғ эди юрагим.  
Бугун эса, эй шаҳриёр, у эгасиз бўш ётоқ.  
Шундай қилиб, гоҳо равшан, гоҳо хира оламда  
Дабдабалар ўткинчидир мисли момақалдироқ.

\*

Баъзан қуёш ўзи бору, аммо унинг файзи йўқ,  
Баъзан ойнинг ўзи бору, аммо нури сўниқдир.  
Қоронғидир хонадоним, ёру дўстим йўқ уйда,  
Хоналарда ҳаёт кезиб юрар, аммо бахт йўқдир.

\*

Сенинг чеҳранг, сенинг қўлинг, сенинг ханданг  
бўлмаса,  
Лабингдаги у хандасиз ҳаёт кўриб не қилай?  
Шундай кетса бутун дунё қум-саҳрога айланар,  
Коинотнинг Ҳасибаси шундай бўлса — тавба, вой!

\*

Наҳот, ўтли ҳасратларнинг фиғонлари ҳамиша  
Мангуликнинг сукутига фарқ бўлиб ботармикин?  
Ахир бутун коинотнинг қалби кеча ва кундуз  
Тепиб турар қонунларнинг қаттиқ темир кўкрагин.

### ҚОШ ҚОРАЯГАНДА...

Кеч кирди. Сезаман шамолнинг кучин,  
Боғда уласамми шоҳларнинг учин.  
Кел уйқу, келтиргин ҳаловат тушин  
То субҳидамгача тоқатим етмас.

\*

Кўзларим ўнгида ҳамма ёқ хира.  
Ёлғизман. Ҳеч кимдан нидо йўқ сира.  
Фақат тор сийнамда дилим асира.  
Ҳаётнинг заҳмати туганмас-битмас.

\*

Армонлар тугамай кундуз тугади.  
Таронам қайларга учиб чўқади.  
Руҳимнинг либоси титиқ, негадир —  
Денгиз соҳилига жўнамас, кетмас.

\*

У ерда қумлар бор, гулсиз, унумсиз,  
У ерда оқади сувлар тинимсиз,  
Умид соялари санқиб қўнимсиз  
Йиғлар, аммо, ҳеч ким уларни кутмас.



Эй ором, кела қол кўзларим сари,  
Юминг кипригимни, туннинг тушлари!  
Севги қандай кирса дилга илгари  
Кел уйқу, келмасанг шоир ҳеч ётмас.



## БИР ЭРКАК ҲАСРАТИ

Кўр эканман, сени кўрган кун  
Қорачиғим ёришди бутун.  
Кўзларингга кўзим тушганда  
Тақдир қовуштирди ўшанда.

Иккаламиз тонготар пайти  
Қоронғида юрардик дайдиб.  
Мен гўр, содда эдим илгари  
Йўрғакдаги гўдак сингари.

Билмас эдим дардни ҳаётда,  
Чўп бўлмаган эдим ҳасратда,  
Мен ошиқу девона эдим;  
Ваҳимадан бегона эдим.

Мен беҳабар, билмабман асли,  
Ҳатто ўлчоқлигин ишқ фасли.  
Шундай оддий нарсага ҳали  
Етмас экан ўшанда ақлим.

Мен назарда тутмабман сира,  
Уйлабманки, бу дунё ичра  
Ерда фақат битта ташвиш бор:  
Биз севишсак, бўлсак бахтиёр.

Бўлмаса бу кечанинг сўнги,  
Бузилмаса ошиқлар кўнгли,

Қушларни жим уйготган ол тонг  
Бетимизга югуртирса қон.

Еш тангридай эдим мен гўё,  
Боқар эдим ҳуснингга шайдо,  
Ва бошимга кийиб гулчамбар,  
Сендан кўзни узмасдим, қамар.

Осмон тўла юлдузлар қуюқ,  
Олам эди оддий ва буюқ,  
Мен уларнинг қўйнида эдим,  
Оқ билагинг бўйнимда эди.

Дарё қайнашига боққан у  
Нилуфарга ўхшардинг сулув,  
Рўйижаҳон ичида сенинг  
Яшнар эди мунис вужудинг.

Эркалардинг қучиб бемалол,  
Тилларингдан томар эди бол.  
Хуморимни босгали бир дам  
Етмас эди тун тугул кун ҳам.

Бу дилдорлик дамлари гўё  
Туюларди мен учун рўё,  
Қоронғида пайпаслаб қўлим  
Топса сени, тинчирди кўнглим.

Олам ҳуснин қиларди кўз-кўз,  
Тасвирига тополмасдим сўз.  
Остонада ёйилганда кун,  
Қучоқлашиб турардик бутун.

Лекин бир йил ўтди-ю бугун  
Ҳоли аҳвол ўзгарди бутун:  
Тамом бўлди қувончлар бари,  
Сўнди қалбнинг алангалари.

Ҳасратимни яширмоқ учун  
Сарф қилардим ҳамма вақт кучим,  
Ҳазил-ҳузул, қочириқ билан  
Нари қочар эдим ташвишдан.

Тилка-пора қилиб шум қисмат,  
Улдирса-да мени дард-ҳасрат,  
Ериштирмоқ учун дилингни,  
Ширин қилар эдим тилимни.

Не синоат? Бу қандай сеҳр,  
Қайда қолди эҳтирос, меҳр,  
Нега энди юрагим ёнмас,  
Нигоҳларинг офатижонмас?

Нега тинди қушлар сайраши?  
Нега сўнди юлдуз порлаши?  
На чорловчи чироқсан энди!  
Мендан жуда йироқсан энди!

«Бало бўлди!» дердим ичимда,  
Номус ташлаганди ғижимлаб.  
Нигоҳларинг тикилган сари  
Кўзларингдан қочардим нари.

Сени ёмон кўрмасдим бироқ,  
Ёнса эди ўчган шамчиноқ,  
Изларингни кўзга суртардим,  
Сенга илҳақ бўлиб ўтардим.

Лекин энди хаёлинг руҳи,  
Муъжизаси, ўти, шукуҳи  
Тамом, тамом, ҳувиллар юрак,  
Ҳиммати йўқ орзу не керак.

Ҳаёт ўзи сен дердим фақат  
Энди кўрсам, тириклик, ҳаёт —  
Сенингсиз ҳам, ўзгартмай тархин,  
Айлантирар экан ўз чархин.

Қалбимда юз берди ўзгариш,  
Энди тамом азоб, ўртаниш,  
Ешликдаги интизор севги  
Ташвишларга айланди энди.

Ва чиниқиб чиқди бутунлай  
Янги бўлиб, ярқираб кундай,  
Шубҳаларда бўлмасдан пачоқ,  
Синовлардан ўтолди порлоқ.

Қолган умр ёрлақаб бизни,  
Қовуштирар тақдиримизни,  
Бундан буён бизга бахт ила  
Роҳат бағишлайди оила.

## БИР АЁЛ ҲАСРАТИ

Тақдирда бор экан-да! Таънанинг фойдаси йўқ.  
Нимага мен йигламайман. Сен йиғимдан  
хабарсиз.

Гиналарим беҳуда кўз ёшларим сингари,  
Қараб кўр кўзларимни артиб қўйдим илгари.  
Уларда бор кўз ёши, гинадан йўқ асар — из.



Мен қучоқлаб тиззангни сенга ялинганимда  
«Менга қилгин йлтифот!» демоқчи эмас эдим!  
Мен сенинг сўзларингга, хандангга, жамолингга,  
Яна қовушмоқ учун у ширин висолингга,—  
Кокилимни тушириб, бирон сўз демас эдим.



Баҳорда ярим тунда интизорлик ҳисси зўр,  
Кўзларда бор шамолдан ва оловдан жўшқинлик!  
Баҳор фаслин охири—толиқди бирдан қалбинг,  
Ханда эмас, ясама илжайишга банд лабинг.  
Сўлим куннинг саробин шундами ахтарайлик?



Мен мисоли бир олтин қафасдаман шу кунда,  
Ўзимни ҳис этаман байир қумри билан тенг.  
Дилда севги бўлмаса гаплар ҳам қовушмайди.

Сен мени «ёрим» дема! Бу сенга эп тушмайди.  
Ошиқона жилмайиб алдамагин мени сен.

\*

Хўб аниқ хотиримда севгимнинг илк лаҳзаси.  
Тепадан соя тушди куз фаслидек оқ, равшан.  
Майин шамол эсганда шитирларди бутоқлар,  
Булутларнинг тўридан инган шуъла шу чоқлар  
Ерга келиб қўнганди. У кунни хўб эслайман.

\*

Боғимда яшнар эди ёсумон буталари,  
Унинг оппоқ исиди гўё хушбўй осмонлар  
Жўшқин ҳисли Ганг наҳрим — тангриларнинг  
дарёси,  
Тинглар эдим тўлқинлар ғулғуласин, шоввосин,  
Тинглар эди олисдан ҳаяжонли ўрмонлар.

\*

Биринчи бор у дамда менга қараб қўйдинг сен.  
Жавобан юрагимни титроқ босди серхатар,  
Ва уйғонди кўнглимда ўғринча сирли туйғу.  
Қувончли ҳол эмасди, ширин оғриқ эди у,  
Мендаги бу ҳолатдан сен қолгандинг беҳабар.

\*

Эслайсанми, минг-минглаб одамаро иккимиз —  
Ғойибона ип билан қаттиқ уланган эдик.  
Бу — меҳрибон нигоҳинг ипи эди кўп узун,  
Ҳар тўсиқдан ўткирроқ, ҳар қувватдан зўр, фузун.  
У мустаҳкам ип эди, гарчи жисми кўп нозик.

\*

Мабодо орамизга тушса пича айрилиқ —  
Тағин кўришув бизга туюларди кўп маҳол,  
Сен у маҳал воз кечиб ҳамма вазифалардан —

Нукул фикру зикрингда шу эдиким, дафъатан  
Кўзимга тикилсангу бир лаҳза топсанг висол!

\*

Узрсиз-баҳонасиз куннинг нақ ўртасида  
Дарвозага яқинлаб сен мени айтур эдинг.  
Аланглаб юрар эдинг, қадамлар эҳтиёткор.  
Шарпалардан сесканиб бўлар эдинг беқарор...  
У маҳал ҳар нарсани уқмоққа қодир эдинг.

\*

Энди бўлса сен мени назарга илмайсан ҳам.  
Сен ёнимдан ўтасан, бегона ва дарғазаб;  
Менинг куним ўтади армонда ва умидвор,  
Зора келсанг уйимга, сенга айтар гапим бор.  
Сен ўйларга ғарқ бўлиб ўтасан йўл қадамлаб.

\*

Ана энди бир ўзим. Ҳамсуҳбатим чироғим.  
Азадаги жиядек қўнар соя — қоронғу.  
Ҳақманми, ноҳақманми? Ечилмас гап бу, майли!  
Бу аниқки, тангрининг лоқайд амри туфайли —  
Сен ҳар қайда бўлсанг-да, мен билан эмассан-ку!

\*

Энди бўлса шунча ҳам кўпайибди ишларинг.  
Юмушларинг чиқибди... Менга эса вақтинг йўқ.  
Биз сен билан учрашган ошёнда бир ўзим.  
Марҳаматинг туфайли, толе шу, кўрар кўзим!..  
Қалбингнинг бир бурчида қиттак жойим —  
кўнглим тўқ.

\*

Қалбингни очганингда, эшигидан кирдим мен.  
Истар эдим, қалбингни бутунлай эгаллайин.  
Унда менга ўрин йўқ. Қайтишга боркан эшик,

Бу эшикдан чиққан йўл — дўзах йўли, даҳшатли.  
Гуноҳкорман, аммо мен кимдан ҳам ўпкалайин?

•

Ҳа, бир чоғлар жонингдан яхши кўрган ёрингни  
Хўб шодмон қилибсан, қилибсан шунча рози!..  
Оҳ, толейм юлдузи, бахти қора, муштипар  
Сен бевафо мен билан бўлганигда шу дамлар—  
Бахтим рамзи бўларди юлдузимнинг парвози.

•

Билки, сенинг қўлингнинг менга тегиб туриши  
Қатта гуноҳ, чунки у қалбакидир ҳар нафас.  
Балки табассумларинг жозибали ва нафис,  
Лекин улар мунофиқ, менга улар кераксиз!  
Севгисиз табассумнинг бўлмоғи мумкин эмас...

•

Ҳолбуки, мени кўргач, ўзинг ёқтирган эдинг.  
Чин ишонган эмасдим бунга ҳатто тушимда.  
Икки оғиз ширин сўз... Ханда... Меҳру навозиш...  
Дарҳол атроф-теварак шодлик, кулги, севиниш.  
Бу қандай ҳол ёраббий! Олов ёнди тушимда!

•

Фақат сени севганда мен тушуниб олдимки,  
Оламда бор муҳаббат! Муҳаббат зўр куч экан!  
Мен ёлғизлик дардида оҳу зорни англадим,  
Мен маъшуқнинг ҳажрида интизорни англадим.  
Англадимки, севгисиз молу давлат пуч экан!

•

Аммо сен йиғлашимнинг сабабини ҳануз ҳам  
Билмабсан, демак, менга шунчалар сен ёт энди.  
Ишонгин, гиналарим кўз ёшимдек беҳуда,  
Боқ, кўзимнинг ёшларин йўқотдим бир артувда,  
Охир, кўзда гинамас, кўз ёшлари бор эди.



## «ОЛТИН ҚАЙИҚ» ТУПЛАМИДАН (1891—1893)

### ОЛТИН ҚАЙИҚ

Қалдиरोқлар гулдулар. Сел қуяр. Кўк бадқовоқ:  
Бир ўзим; умидларим хокисор, чангу тупроқ.  
Қуз ҳосили йиғиқлик, ана, шолитар боғ-боғ.  
Дарё қайнар, кўпирган тўлқинлар юзи оппоқ.  
Ҳосил йиғиқ, сел қуяр шолипояда қандоқ.

Далада бир ўзимми, мендан сал нарироқда  
Дарё ўйнаб, тўлғаниб ётар қора қирғоқда.  
Кул ранг бўлиб кўринар дарахтлар ҳув йироқда,  
Тонг отар, аммо булут хўмраяди қишлоқда.  
Ёлғиз турибман ўзим шолӣ боғланган ёқда.

Қайиқ келар, ким келар қўшиқ айтиб қайиқда?  
Елишидан танидим — елиб келар ёйиқда,  
Чодирларин ёйганча, тўфонлардан қайиқмай.  
Тўлқинлар-чи инграрди урилиб у қайиққа...  
Елишидан танидим — эркин учар ёйиқда.

Айт, қаёққа сузясан; мазгилинг қайси ёқда?  
Қайиқчи, қайиғингни тўлдириб кет қирғоқдан,  
Майли, кейин ҳар қанча сузсанг йироқ-йироққа.  
Аммо кел ҳаялламай менинг арз-додимга ет,  
Олтин бошоқларимни қайиғингга ортиб кет.

Орт тезроқ, сифганича, тонг отар элас-элас,  
«Шуми, дерсан, ҳаммаси? — Ҳа, бўлгани шу, холос.  
Кўп йиллар куйиб-пишиб меҳнат қилдим соҳилда.

Бутун кучимни тўкдим,— умидим шу ҳосилда.  
Кел, раҳм қилиб мени балолардан олисга —

Олиб кет! Эвоҳ, сенинг қайиқчанг муъжаз экан:  
Ўрин йўқ, тўла ўзим ортган бошоқлар билан...  
Июль осмони қоплаб қора булут жим оқар,  
Қирғоқ ҳам хомуш ухлар, кўзларим маъюс боқар.  
Олтин қайиқда олтин ҳосилим узоқлашар.

## ЖАМУНАНИНГ<sup>1</sup> ЮРАГИ

Сув олмоқчи бўлсанг кел,—  
Бу ёққа кел, бу ёққа,  
Кўл соҳили қум-қумлоқ, кеча-кундузи мутлақ  
Шилдирашдан тинмас сув.  
Шарр қўйиб ўтди ёмғир, момақалди роқ ҳозир  
Титраб ўчар узоқда.  
Жаҳлинг чиқиб бир куни билагузукларингни  
Жаранглатиб кетгандинг  
Худди шу қалди роқдай.  
Сув олмоқчи бўлсанг кел,  
Бу ёққа кел, бу ёққа.

Кел, кел, ўртоқларингдан холи қилмоқчи бўлсанг,  
Сулиш олмоқчи бўлсанг,  
Сенга бунда сув гули, кунни кўриб ўпгули  
Оқ нилуфар ёр бўлур.  
Дарахтлар лол туриши, сувга жим термулиши  
Тамом ошкор бўлур.  
Ўтириб сен бундаги ашоканинг<sup>2</sup> тагида  
Хаёлан сайр этарсан,  
Ёт элларга кетарсан.

---

<sup>1</sup> Жамунани одатда нахрул муҳаббат, яъни ишқ дарёси дейдилар, негаки, худо Кришна унинг соҳилида ўз маъшуқаси — чўпон қиз Радха билан учрашган эмиш.

<sup>2</sup> Ашока — қизил ва тўқ сариқ бўлиб гулловчи дарахт.

Кел, кел, ўртоқларингдан холи қолмоқчи бўлсанг,  
Сулиш олмоқчи бўлсанг...  
Чўмилмоқчи бўлсанг кел,—  
Муздаккина сувга туш.  
Сарини<sup>1</sup> ечиб ташла, яланғоч бўлиб яшна  
Зангори уфқ тагида.  
Мовий кўл шошиб қолсин, сени тез ўраб олсин  
Табиат кўйлагига.  
Тўлқинлар жим нурланиб, минг оҳангда турланиб,  
Аллалар сени сархуш.  
Чўмилмоқчи бўлсанг кел,—  
Муздаккина сувга туш.

Гар ўлмоқчи бўлсанг кел,—  
Бу ёққа кел, бу ёққа.  
Бу ерда ўлиш ҳам соз, жарга отил беовоз!—  
Ҳақиқат шундай осон.  
Ғам-ҳасратни қирғоқда қолдириб, сен, йироққа  
Кетасан, қийналмай жон.  
Сув секин қалқиб кетар, устингда балқиб кетар  
Қаърига тортган замон.  
Гар ўлмоқчи бўлсанг кел,—  
Бу ёққа кел, бу ёққа.

---

<sup>1</sup> *Сари* — ҳинд аёллари либоси. У узун мато бўлиб, танага ўралади.

«ЧИТРА» ТУПЛАМИДАН  
(1892—1895)

БАХТ

Ҳаво очиқ, беғубор, осмон табассум қилар,  
Шамол ўйнашиб ногоҳ баданларингни силар.  
Юз-кўзингдан тўймай ўпар ёринг сингари,  
Сира қўйиб юбормас унинг ноз қучоқлари,  
Сўнг балиқчи елканини пуфлаб шиширмоқ учун,  
Оқ дарё тўлқинларин саваб шиширмоқ учун  
Қочиб кетар, қум соҳил яйраб ётар керилиб,  
Қундуз каби тўлқинда роҳат қилиб, эриниб.  
Елкасида кўтариб бутазор қўлкаларин,  
Боғлар ичра кўмилган жим қишлоқ кулбаларин.  
Сариқ экинзор ичра ўйнаб кийган сўқмоқ бор,  
Қуриб-қақшаб, оқимга талпингандай интизор  
Кумушдай шақиллашлар, гангир-гунгур товушлар  
Қулоғимга урилиб шалоладай қовушар.  
Бир-бирига сув сепиб қизлар шўх бўлишарди,  
Зарраларни сачратиб, шарақлаб кулишарди.  
Оппоқ соч балиқчи тўр тўқир эди шу топда,  
Букчайган елкасини иситганча офтобда.  
Бир шўх бола дарёга шўнғиб тагига етар,  
Аммо тўлқин эркалаб уни кўтариб кетар.  
Дарё уни тўшига қўйиб ўйнатарди шод,  
Бугун мулойим эди мунис онадай кушод.  
Менга кўринар эди қайиқдан икки соҳил,  
Дарёни юмшоққина қучиб турган икки қўл.  
Зангори осмон билан кўм-кўк сув кўринарди.  
Булултар орол каби бир сулув кўринарди.  
Тупроққа ёғиларди қуёшнинг қайноқ сели,

Нур оқими шифокор, жонбахш, лолагун эди.  
Қуёшга томон ҳадеб талпинар эди боғлар,  
Қушларнинг нағмаси-ю гуллар — атир дудоқлар.  
Қалбимга қўйилади лаззат ва ором бугун,  
Бахт жуда оддий эди гўё бир зангори гул.  
Жозибасин яширмай яшнатар эди кўзни.  
Сенинг табассумингдай оддий экан бахт ўзи.  
У дудоқда порлаш-чун яратилган табассум,  
Упиб лабингдан, уни узиб олсайдим бир зум.  
Бахт оддий экан, бизни болалик чоғида ҳам,  
Улим тўшагида ҳам тарк этмовчи умиддай.  
Бахт ўзи юракларнинг овозидан туғилган;  
Жаҳоний бир куй бўлиб кўкларга парвоз қилган  
Оҳ сенга қўшиғим-ла бахт ато қилмоқ учун  
Қайдан топаман оддий, ёқимли сўзни бугун?  
Ишқ қўшиғин тўқишга қудратим етармикин,  
У билан турмуш ширин, хуш бўлиб кетармикин,  
Бахт қўшиғи менга бахт армуғон етармикин!  
Гоҳ бизга nasib бўлар кўп машаққат билан бахт.  
Бизнинг уйга ёрлақаб кирса, дил кулар хушвақт.  
Бахт — учар қуш, мен қўйиб юбормай, деб адойи.  
Аллақандай мақсадга интиламан шайдойи...  
Маҳкам ушлайман, учиб кетиб қоламан деса,  
Ҳеч кимни йўлатмайман, тортиб оламан деса!  
...Бугун ҳаво чарақлаб, ором олади жоним.  
Анови зангор дарё қандай яхши, мулойим!  
Оқ булут тушдай ширин сизилиб ўтиб кетар,  
Бахт ҳам осон туюлар, гўё қўл чўзсанг етар...

## ИККИ ТАНОБ ЕРІ

Икки таноб ерим бор, у ҳам қарзга тўлов ер.  
Хўжайин: «Мен ерингни сотиб оладирман», дер.  
Мен унга дедим: «Сенинг беҳаддир дала-тошинг,  
Жоним қимирлаб турар, кулфатда шўрлик бошим».  
Хўжайин: «Қўшиб олиб ёнма-ён икки ерни,  
Уларни бир катта боғ қилмоқчи бўлдим», дерди.  
«Сотмай кўр-чи ерингни!» Кўкрагимга қўйиб қўл,  
Кўз ёши билан дедим: «Хўжайин, инсофли бўл,  
Оиламда етти жон турар шу ерга қараб.  
Боқувчи она ерсиз ҳолимиз бўлар хароб».  
Шу зайл ердан, уйдан айрилиб тўрва осдим.  
Маҳкама ёлғон тилхат билан еримни босди.  
Бу дунёда боённинг қўли етмаган жой йўқ.  
Рожа<sup>2</sup> қашшоқни шилиб, қилиб қўйди қуп-қуруқ.  
Худога шукур дедим, мени қийнамай ортиқ,  
Ерим ўрнига бутун оламни қилди тортиқ.  
Дарвиш кийимин кийиб юртма-юрт кезиб кетдим...  
Кўравериб сарою ҳашамни, безиб кетдим!  
Шаҳарми, денгиз ё тоғ — қаёнда бўлмай, бироқ  
Кўз ўнгимдан кетмади икки таноб ер йироқ.  
Ўн бешми, ўн олти йил юргандан кейин сарсон,  
Туғилган жойларимни бир кўриш бўлди армон.

<sup>1</sup> Асл сарлавҳаси: «Икки бигх ер». Бигх — тахминан 0,25 гектарга тенг ер ўлчови. «Бигх» сўзи ўзбекчага сингмаганлиги учун уни «таноб» шаклида ўзгартдик (тарж.).

<sup>2</sup> Рожа — ҳинд феодал князлари ва ерли ҳокимларнинг ун-вони (тарж.).

Онажон Банголия, сенга таъзим қиламан!  
Салқин Ганг ели билан юзларимни силайсан.  
Бу ерда далаларинг осмон билан лаббо-лаб,  
Қишлоқчалар осойиш, боғлар яшнар гуркираб.  
Жазирада подага сояли анбаҳ таги,  
Дим кечаси оромбахш ҳовузларнинг муздаги.  
Бангол қизлари бунда сув ташир кува-кува...  
«Ватан» деган заҳотим кўзларимни ёш ювар.  
Икки кунлик йўл босиб, етдим хумор тарафга.  
Ўнгда — кулолнинг уйи, ястанган майдон чапда.  
Ибодатхона, бозор — ҳаммаси таниш эди...  
Ахийри уйга етдим, дилда тўлғаниш эди.  
Бадном бўл эй, шармисор, вафосиз, доғули ер!  
Ўзини бегонага бахш этган оғули ер!  
Не бўлди? Мен қашшоққа бир замон она эдинг,  
Этагинг тўла мева, менга парвона эдинг.  
Энди мени унутиб, башанг бўлиб олибсан,  
Шохларингга гул тақиб, хил-хил бўлиб қолибсан,  
Келдим, мен қувғиндига — бахти қарога бир боқ!...  
Ҳашамларда кунларинг ташвишсиз ўтар порлоқ.  
Ўзгариб сен жодугар, бадавлатга кўнибсан.  
Менга лаззат бахш этган ёш ҳуснинг йўқ, сўнибсан  
Эй, мени боққан тупроқ, пешанамнинг шўрисан.  
Қаҳқаҳанг қуриб кетсин! Маъбудамас, чўрисан!  
Кезардим ҳасрат билан термулиб, дилим вайрон...  
Мен бир вақт эркалаган дарахт ҳам турар ҳайрон!  
Янги девор тагида хаёлга шўнғиб кетдим,  
Кўзимни ёш куйдириб, кечмишларни ёд этдим.  
Эсладим, жўшқин кеча бедор боққанларимни,  
Тонгги салқинда келиб, анбаҳ қоққанларимни.  
Яқиндаги мактабга чоштгоҳда ғизиллардим;  
Умр ўтар, болалик қайтмас деб эзилардим!...  
Шамол хўрсиниб бирдан, титради шох сояси,  
Тизга тўп этиб тушди икки анбаҳ донаси.  
Мени таниди ерим, таниди боққан она,  
Қимматли совға учун имо қилдим шукрона.  
Шунда ногоҳ Яманинг<sup>1</sup> мудҳиш сояси каби  
Пайдо бўлдию боғбон, қайнаб кетди ғазоби.

<sup>1</sup> Яма — ҳинд мифологиясида ажал ва ер ости салтанати худоси.



Уйладим: «Нима бўпти; қарзимга кетган боғдан  
Иккита анбаҳ олсам. Нега қалбимни доғлар?»  
Мени танитай боғбон, сўкканча судраб борди,  
Эгаси меҳмонлари билан балиқ тутарди.  
Хўжайин қаҳрин сочиб: «Сўйиб ташлайман!» деди,  
Меҳмонлар ундан баттар ўдағайлашар эди.  
Дедимки: «Садақага беринг шу жуфт анбаҳни».  
Кулди: «Жазолаш керак сендай ўғри аблаҳни!»  
Кўзда ёш билан кулдим бундай ҳукм, ифлосдан:  
«Рожа, сен садҳу-ю<sup>1</sup> мен ўғри бўлибман ростдан.»

---

<sup>1</sup> *Садху* — зоҳид, тарки дунё қилган киши.

## «ЧОЙТАЛИ»<sup>1</sup> ТУПЛАМИДАН

### С У Ю К Л И

Хотирамга келди бугун қизиқ ҳол:  
Майса-гилам узра бир соҳибжамол  
Еш лўли қизи роҳат қилиб ётарди,  
Сочларини майда ўриб отарди...  
Ипак сочлар тўлғаниши, қораси  
Шайдо қилган суюкли ит боласи  
Уйнашмоқчи қизча мен билан, дерди,  
Сочларини тортиб юлқилар эрди...  
Қизча қаттиқ уришса ҳам, қилмай кор,  
Уйнашмоқни қилар эди ихтиёр.  
Силаб-сийпаб қўйса ҳамки бўлмади,  
Лайча баттар эркаланиб ўйнади...  
Ахир кулиб юбориб, уни юшмоқ —  
Кўкрагига босиб қиз суйди узоқ.

---

<sup>1</sup> *Чойтали* — ўроқ-машоқ маҳали ёзилган қўшиқлар. Чойт— бангол календарининг биринчи оғи, март—апрелга тўғри келади.

## КЕЧУВ

Икки қишлоқ ўртасидан оқар бир дарё,  
Йўловчилар учун кечув шудир доимо.  
Биров ота уйин ташлаб дарёдан ўтар,  
Биров эса ошиққанча уйига қайтар.  
Дунёда-чи? Қурашларда мажақланиб тан  
Оқим каби кўпирганча оқди қанча қон.  
Йиллар учди, алмашди кўп даври давронлар,  
Зўрга таъзим, мағлубларни эзди товонлар.  
Маърифатнинг чашмасига лаблар чанқоғу,  
Аммо ичсанг косаларда лиммо-лим оғу!

Фақат бунда номларини яширин сақлар  
Уфқларга нигоҳ ташлаб турган қишлоқлар.  
Ягона бир кечув ўтар дарё бўйидан,  
Биров уйга шошар, биров кетар уйидан.

## КҮР МУҲАББАТ

Кўр кўзлар очилсин! Боқсин жаҳонга!  
Эшик олдига соқчи қўя кўрма, эй, она:  
Меҳринг девори ичра ўғлингни этма тутқин,  
Шамол ҳамда қуёшдан ўғлингни этма қувғин.  
Наҳотки, шундай ишонч солдинг унинг қалбига  
Наҳотки, у кенгликни кўролмайди мангуга.  
Йиллар пировардида ҳибсда толар кучдан,  
Қаноти ҳам эрк кўрмай қолар буткул учишдан!  
Сен ўғлингни қорнингдан чиқардинг чекиб азоб,  
Яна янгитдан уни этмоқ бўласан хуноб.  
Майлими, йиллар юрса кетингдан соя мисол,  
Курашмаса, тақдирнинг қаршисида бўлса лол!  
Ана шу якка-ёлғиз ўғлинг устидан, фақат —  
Койнот ҳукмрондир, ҳукмрондир у абад.

## БАНГОЛИЯ ОНАЖОН

Хоҳи бўлсин пок инсон, хоҳи осий — қаро ер,  
Туғилгандан бошлабоқ фарзандларингга куч бер,  
Банголия онажон! Уларни ўз жонажон  
Уйларига қамамай, қўйиб юбор ҳар томон.  
Муҳтожлик ёмонлигин оч қолишиб кўришсин.  
Узинг ўргат, юртма-юрт оғир йўлдан юришсин.  
Уларнинг оёғига кишан солма, банд этма,—  
Улар учун жаҳонга жавобгарсан, унутма.  
Банголия онажон, тарбиянг кўрган фарзанд  
Оқ-қора билан жангда дадил олишсин ҳарчанд.  
Қучлари қайнаб турган бўз болалар ёш эмас,  
Ҳадеб бошларин силаб, болайи жоним дема.  
Уларни шафқатингдан, бошпанангдан маҳрум эт,  
Токи тўқнаш келишсин ҳаёт билан бетма-бет.  
Гар йўқса, Банголия фарзандларинг на ботир,  
Улар ҳозир жуда ҳам ювош, бамайлихотир!..  
Уларни сен банголлик қилиб ўстирсангки ҳам,  
Ўғилларинг ичида йўқ курашчи чинакам.

«НАҚЛЛАР» ТУПЛАМИДАН  
(1897—1899)

И Н Т И Қ О М

Подшолик ғазнасига қоқ тунда ўғри тушди,  
Роса талатўп бўлиб, ҳаммага ғулу тушди.  
Соқчилар «ушла!» қилиб зир чопишар, елишар,  
Ўғрини тутмасалар, бошлари шарт кесилар.  
Изғишаркан уйма-уй, қасрма-қаср бедор,  
Вайрон ибодатхона ичига ҳорғин, зор-зор  
Қириб келди йўловчи: фалак гардиши билан  
Бор будидан айрилиб, камбағал бўлиб қолган  
Бой, навқирон Божросен — савдогарлар султони,  
Отсиз қайтарди уйга қароқчилар қурбони..  
Соқчилар кўришди-ю, жанғирлаб кетди яроғ,  
Қамоққа судрадилар кибр билан тумтароқ,  
Подшолик ўғриси деб боғлашиб у тутқунни,  
Қатл кутарди уни.

Эсганда боди сабо,  
Ширин уйқудан турган Шема қиз сулув, зебо  
Очиқ ойна олдига бориб ўлтирди — салқин.  
Лоқайд кузатар экан кўчада оққан халқни,  
Ўқ тешгандай, қўққисдан бутун вужуди қалқди,  
Бир ҳусн шуъласи қоқ кўксидан урган эди,  
Барно йигитни соқчи кишанлаб турган эди.  
«Тангридан ҳам барно-ку, кечир мени, эй фалак!  
Зора қутқазсам!»—«Шема хитоб қилди жонсарак.  
Шу йўсин нотанишга бўлиб ошиқди шайдо,  
Кимлигин айтиб, саркор олдида бўлди пайдо.  
Шема хитоб айлади: «Қайтарманг бир гапимни!  
Бир кўрсатинг, сиз тутган ёвузнинг турқи қандай!»

Ширин муомаладан саркор ҳам бўшашгандай:  
 «Санам, ўзим қамоққа бошлаб бораман сени,  
 У ерда кўрсатаман ўғрининг қўрқмасини!  
 Қоронғи, зах зиндонга бирга киришган замон  
 Совуқ тошда бошини маъюс эгиб, хафақон  
 Утирарди Божросен, ғам-ҳасрат еб қўйганди,  
 Оғир кишан урилган тутқун, садпора банди.  
 Шемага боқиб: «Нега келдинг,— деди,— айт, нега?  
 Соҳибжамол, қизиқроқ эрмак йўқмиди сенга?  
 Бунча жабр қиласан бегуноҳ бўлган менга?»  
 Сулув Шема оҳ урди: «Менга керакмас эрмак,  
 Уйимда йўқ ёмонлик ва сенга озор бермак...  
 Эркака чиқишинг учун ҳар нарсага тайёрман,  
 Воз кечгум заррин либос қимматбаҳо гавҳардан!»--  
 Кўзлари қорачиғин ёш пардаси тутди-ю,  
 Силаб қўйди тутқуннинг ипак сочларин сулув.  
 Сўнг саркорга ялинди: «Менда нимаики бор,  
 Барин олу, фақат бу тутқунни қўйиб юбор!»  
 Саркор жавоб қайтарди: «Жоним ўзингга қурбон,  
 Аммо нетай, менинг ҳам яшагим келар чунон!  
 Бировга эрк бағишлаб, ўзим банди бўлгимдир...  
 Подшолик амрин бузсам, мурувватсиз ўлгимдир!»  
 Шема новозиш билан деди: «Фақат икки кун  
 Жонин омонат сақла, азбаройи мен учун!  
 «Йўқ деб озор етказгим келмас сен паризодга,  
 Икки кун яшай қолсин, учинчи кун жаллодга  
 Топширишга мажбурман». Оғир эшикни очиб,  
 «Қани энди чиқа қол», — деди Шемага соқчи.  
 Вақт ўтиб яқинлашди белгиланган муҳлат ҳам...  
 Остона орқасида лип этган қайси одам?  
 Тунд зиндон деворларин ёритган кимнинг шаъми?  
 Улимга маҳкумни ким йўқлар сўнг кеча дами?  
 Синдирганда кишанни ўғлоннинг оёғидан,  
 Соқчи кимнинг амрига итоат қилди экан?  
 Ҳа, Божросен таниди, ўзи, тош узра ётиб  
 Шивирлаганди исмин зориқиб кутиш пайти;  
 Ишонмасдан ўзининг қамашган кўзларига,  
 Боқарди боши узра эгилган юзларига.  
 «Сеғмидинг, шафқатлигим, ёвузлик ва зулматда  
 Қуёшдай порлаб кирган бу қоронғи узлатга...  
 О, шафқат маъбудаси, унутилгандим бутун,

Елгиз сен ўзинг нажот бағишладинг мен учун!»  
«Шафқатли дегин?! Чоғи, билмайсан мени ҳали!» —  
Шема шарақлаб кулди, ғалати қаҳқаҳаси  
Деворларга урилиб қарсиллади музсимон.  
Божросен бир сесканиб, жимиб қолди паришон.  
Сўнг бу кулги айланди аччиқ ёшлар селига,  
Ҳайрона бўлиб унинг кўз ёшига, феълига,  
Соҳибжамолни ўғлон юпатолмади узоқ.  
«Дерларки, қалбим менинг чағиртошдан қаттиқроқ!»  
«Юр, кетдик, — деди Шема, — вақт ўтяпти, бўла қол!»  
Қўл ушлашиб чиқишди қора зиндондан дарҳол.  
Сулув тонгнинг кўксига қадаб олтин ранг тигин,  
Ёйиларди зич ўрмон узра қуёш яллиғи.  
Мудроқ тўлқинда қайиқ тебранарди жимгина.  
Қайиқчага тушди-ю илтижо қилди Шема:  
«Кела э нотаниш йигит! Кел энди, менинг эгам!  
Сени деб кўнгил уздим аввалги севгидан ҳам.  
Ҳаётим гулларидан бир ўзинг қолдинг танҳо...  
Кема шарпасиз сузар, ўрмон яшил сарупо —  
Кўйлагин шитирлатиб уйғонар эди юмшоқ,  
Қушларнинг чах-чахидан ўрмонлар ичи қувноқ.  
Кафтида тутиб туриб дилбарнинг нозик илгин,  
Божросен сўраб қолди: «Бекачам, баён қилгин,  
Бу эрким бадалига қандай тўлов тўладинг?  
Оёгингга бош уриб сўрайман, айт бўлганин,—  
Мени деб сен нимани қурбон қилганинг, лекин  
Очиқ билишим даркор!» «Бўйнидан қучиб секин:  
«О ёқимтой дилкашим,— деди Шема ниҳоят,—  
Буни кейинроқ қилиб беражакман ҳикоя...»

•

Дарё оқизган кема сузиб-сузиб боради,  
Қуёш бўсаси совиб, шафақ ҳам қизаради.  
Соҳил бўйлаб шалаббо хотин-халаж қайтишар,  
Оқшом чўмилиб олиб, бир нималар айтишар,  
Елкада муқаддас Ганг суви лим-лим кўзалар...  
Йўллар ҳувиллаб, қизгин иш куни адоқ бўлар,  
Бозорларнинг шовқини, ғала-ғовур қувилар.  
Қайиқ адл йўлини ўзгартириб йироқдан,  
Аста келиб тўхтади тош терилган қирғоқда.



Вақтидирки, қочоқлар чўмилиб олсин ором,  
 Дарахтлар паноҳида пиширсин бирон таом.  
 Роҳатижон сукутда ўрмон маст мудрар эди,  
 Учаётган офтоб этагин судрар эди.  
 Сулув Шема овқатлик тайёрлар экан чаққон,  
 Тўсатдан томирида бахт оташи оққан —  
 Божросен қараб тўймас эди ойдай юзига.  
 Жон қулоғин тикарди ширин-шакар сўзига.  
 Елкасидан ҳарир тўр сирғалиб тушиб ногоҳ,  
 Зебонинг сийна-басти кўриниб кетди оппоқ.  
 Божросен шивирлаб дер: «Тутқундан бўлиб халос,  
 Бир шириннинг домига тушиб қолибман паққос.  
 Темир кишандан ўзинг озод қилган бўлсанг ҳам,  
 Тайёрман бошқасини судраб юришга, санам.  
 Айт, нимага осийлик хаёли билан бу бахт  
 Дилимни қовуради? Қандай жазо кутар, айт?»  
 Уғлоннинг дудоғига қўлин тегизиб хиёл,  
 «Жонгинам, индама...» деб ялинар соҳибжамол.



Олтин шафақ ўчгандир ўрмон орти, йироқда;  
 Оғир зулмат ёприлар кимсасиз, бўш қирғоқда,  
 Қайиқда, ўйчан боғда. Гуё чертилгандай тор,  
 Чирилдоқлар чириллар. Гуллар хушбўйи оқар  
 Уйқуда ётган ердан. Тиниқ ой ҳилолгина,  
 Нурли бир ипак ёяр сув йўли, зилолида.  
 Ой секин аллалаган тўлқинлар шов-шувида  
 Дарахтга боғлиқ қайиқ жим чайқалиб ювилар.  
 Оромижон кенгликка паризод боқсам ювош,  
 Кўз олди қоронғидир, кўзида айланар ёш.  
 Божросеннинг кифтига иссиқ юзини босди,  
 Қўлларини бўйнига нозик ҳалқадай осди.  
 Ёйилиб кетди қизнинг толим-толим сочлари,  
 Иккаласини ёпди қора чодир сингари.  
 Шема чуқур хўрсиниб, ўғлонга деди секин:  
 «Ҳеч тилим бормаса ҳам, суюклим, энди лекин  
 Сирни очмоғим даркор, сенга, жоним бу замон,  
 Эркинг эвазига мен нимани қилдим қурбон.  
 Сени қутқазмоқ учун ўлим чангалидан, жон,

Қилган ишимни айтиб бериш осонмас, ишон...  
Эшити унут тамом.  
Менга ҳаддан ташқари  
Ошиқ бўлган бир йигит. Ишқ ўтида сарсари,  
Бир гапим билан олди гуноҳингни бўйнига,  
Мен вафосизни севиб, ўлиб кетди ўрнингга.  
Кўриб турибсан, тавба-тазарру қилдим бу чоқ,  
Менга ётнинг жонидан сенинг эркинг қимматроқ!»  
Ой ботди-ю, зулматга шўнғиди сиёҳ ўрмон,  
Булбул ҳониши тинди, босилди шовқин-сурон,  
Уша сирли дам ўчди ҳамма шарпа, тунги сас.  
Бир нима дейишга ҳеч ўғлон журъат қилолмас  
Зебонинг қиссасига. Даҳшат ичида худди  
Қояга айлангандай, тош қотганди вужуди.  
Қучоғин бўшатиб қиз, оёғига йиқилди,  
Гўё нозик бандидан нафис бир гул қирқилди,  
Қолмагандай мадори, эгилиб турарди ул,  
Зулмат пардаси ўрар қайиқларини буткул.

\*

Бояқиш Шема қучиб суйганининг тиззасин,  
Оёқларига қайноқ ёшларин томизади.  
«Эй, менинг азиз эгам,— дейди пичирлаб барно,—  
Худонинг ўзи берсин менга ҳар қанча жазо  
Оғир жиноятим-чун. Бироқ сен унинг учун  
Кечир мени, эркинг деб гуноҳга ботдим бутун!»  
Божросен сапчиб туриб ҳайқирди: «Мендан бун  
Сўрашга қандай тилинг борди? Бу гуноҳингни  
Ювишга ҳатто жонинг етмайди-ку эй, қотил!  
Сен юракни сўндирдинг! Сендай бадкирдорга, бил,  
Лаънат ўқийман мангу қалбим, ҳаётим билан!  
Мен, бахти қаро, сенинг кўнглингга ёқиб қолган  
Уша он бадном бўлсин!» деди-ю тик қирғоққа  
Сакради ва қайиқни оқизворди йироққа,  
Ўрмон қоронғисига сингиб йўқолди сўнгра,  
Оёқ тагида қуруқ барглар шитирлаб инграр.  
Ёв қувгандай, Божросен қочарди боқмай ортга,  
Тиканлар уст-бошини тимдалаб юлқиб тортар,  
Дарахт бутоқлари зўр махлуқ панжасисмон  
Кетидан чўзиларди. Худди шу дамда ўрмон

Сокин, хотиржам эди, яйраб роҳат қиларди,  
 Гуллар атри гуркираб, кўккача сепиларди.  
 Осуда эди дунё. Фақат бир ҳорғин қочоқ  
 Безовта эди. Йўлнинг танобин тортиб ногоҳ  
 Тўхтади ва ҳарсиллаб ерга тиз чўкди аста,  
 Оғир хаёллардан зил бошини эгди пастга.  
 Бирдан қадам шарпаси чалинди қулоғига,  
 Гўё бир кўринмас руҳ зулумат қучоғида  
 Енгил соядай унинг олдига келар пинҳон.  
 Муштини сиқиб қаттиқ, қочоқ бир қилди тугён:  
 «Сенмисан мени яна таъқиб этган! Қоч! Йўқол!»  
 Лекин ҳирслар ўтида ўғлон белига дарҳол  
 Чирмашди нозик қўллар: Божросен сизди тағин  
 Ипак сочлар тўлқинин ва ёрнинг ноз қучоғин,  
 Бир сасни эшитарди ажиб куч бўлиб пайдо;  
 «Сени тарк этолмайман, мен ўзим сенга шайдо.  
 Ўт менинг гуноҳимдан, осий бўлдим сени деб!  
 Кечир, ё ўлдир мени қўлларинг билан бўғиб!  
 Севги ё ўлим билан менинг виждоним юпат!»  
 Қоронғилик зил чўкиб, чунон бўлдики зулмат,  
 Кўр ҳам чидай олмасди; зўр қаҳр-ғазаб худди  
 Силкитди илдизи-ла дарахтларнинг вужудин.  
 Фавқулодда қўрқувдан кўзларини чирт юмиб,  
 Юлдузлар ҳам тез ўчди ва бир тана гуп этиб  
 Ерга йиқилди оғир. Қўпди-ю ҳазин нола,  
 Қоронғиликка сингиб кетди ўша замона.

\*

Тонг шуъласи муқаддас ибодатхона томи —  
 Узра жимиллар эди, тонгги қуёшда ёниб  
 Зангори тўлқинлар-ла нозли ўйнарди дарё  
 Божросен чангалзорлар ичидан чиққанида.  
 Қумли қирғоққа ётди. Майлсиз ва хаёлсиз,  
 Кун бўйи ётди ҳорғин, куйдирарди аёвсиз  
 Чалқанча танасини тушки жазира чунон.  
 Ганг бўйига сув олиш учун келган бир жувон  
 Энгашиб жим сўради: «Уйингми дарё бўйи?»  
 Юр мен билан, кулбамда ҳордиқ оласан тўйиб!»  
 Божросен жим, соқовдай. Аёл бош чайқаганча,  
 Раҳми келиб, устига совуқ сув сепди анча.

Оқшом асноси қақшаб, алаҳсираб Божросен  
Қайиққа тушди зўрға, чивин ёпишди ғуж-ғуж,  
Аммо у билмагандай чақиб қилганин хуруж.  
Соҳибжамол ўлтирган ерга нигоҳи тушиб,  
Сидан чиқиб қолган билагузугин шошиб  
Олди-ю босди ёнган кўксига бахти қора.  
Узук унинг қўлида жиринглаб қилди нола.  
Бўрондаги чақмоқдай, товуши пора қилди,  
Сеҳрли тимсол яна кўнглин овора қилди.  
Кўз ўнгида ўша жон, ўша висол ва сумбат.  
Мулойим бир руҳ каби пайдо бўлиб шу фурсат.  
Нозик адолигича рўпарада тургандай,  
Кўзларида ҳасрати, севгиси барқ ургандай.  
Ой ботди аллақачон, дарахтлар уйқусирар.  
Ўғлон чақирар: «Кел ёр, кела қол энди дилбар!»  
Аччиқ, илтижолари янграб акс садо берди,  
Шу вақт соҳилга яқин ўрмондан чиқиб келди  
Шеманинг кўланкаси: Божросен чақирди боз  
Ва келди: «Мен бундаман, азизим» деган овоз.  
Оёғига йиқилиб Шема шивирлар: «Кечир!  
Сенга ғам келтирмайман, бахт бераман, ахир!»  
Шу дам интизор ошиқ маъшуқага ёпишди,  
Аммо қучоқлашишдан бир зум лаззат топишди.  
Ўғлон бир сесканди-ю, бўшатди ёр қучоғин:  
«Ичимга алвастидай кириб олдингми тагин!  
Нега келдинг?» Аёлдан нарига тортиб ўзин,  
Бармоқларида сиқиб турган билагузугин  
Арзимас бир матоҳдай улоқтирди. Яна хун,  
Юзини чангаллади, гўё тагида бутун  
Замин лов-лов ёнарди ичда ёнган қонидан,  
Ўғлон дарғазаб деди: «Йўқол менинг ёнимдан!»  
Аёл эса лол турар ерга қараганича,  
Қимир этмай, оғриқдан қўлин қайирганича...  
Сўнг тиз чўкиб, ергача эгилиб таъзим этди,  
Қоронғилик ичига шарпасиз кириб кетди  
Зангори либосдаги чиройли бир руҳсимон.  
Божросен танҳо қолди. Олишиб, қуриб дармон,  
Уйқуга жим шўнғиди... Аммо алаҳсираб боз  
Эшитилар: «Жоним, кут, келаман!» деган овоз.

## ҲАКАМ

Баланд тахтга кўтарилиб Рагхунатх Рао<sup>1</sup>,  
Наъра тортди шаҳар аҳлига,  
Олисларда акс садо берди ҳар суҳан:  
«Аямайман манфур душман зотин ҳеч қачон,  
Очкўз Ҳайдар Алини<sup>2</sup> мен этаман яксон,  
Лаънат улар насаб-наслига!»

Шодлик изҳор этди унга муқаддас шаҳар,  
Кела берди кетма-кет лашкар:  
Чексиз сахий маратх ерин узоқларидан,  
Барча олис шаҳарлари, қишлоқларидан  
Кела берди аскар селдай, нари-беридан  
Мардонавор ташлаб одимлар.

Ҳилпиради маратхларнинг кўкда байроғи,  
Янграб кетди бурғулар саси.  
Аёллар ҳам қўшиқ айтар тилаб зафар-шон;  
Еш аскарлар қалби эди бахт тўла уммон,  
Ҳаяжонли така-тумлар таратиб чунон  
Янграр қўшинларнинг гўс ноғараси.

---

<sup>1</sup> Рагхунатх Рао — ўз жияни Нараян Рао билан ҳокимият учун бўлган даҳшатли жангдан кейин (Нараян Рао Рагхунатх Рао тарафдорлари томонидан ана шу жангда ўлдирилган) маратхларнинг ҳукмдори (1773—1774) бўлган.

<sup>2</sup> Ҳайдар Али—Майсур ҳукмдори (1761—1782) бўлиб, қўшни ерларни босиб олиш сиёсатини ўтказган ва доимо гоҳ маратхлар билан, гоҳ инглизлар билан жанг қилган.

Туғлар ғужғонида балқир тўзонли олис,  
Кўринмайди кўзларга офтоб.  
Гумбурлайди осмон, чақнаб ҳар ёқда олов,  
Рагхунатх ўқдай учар, остида бедов.  
Денгиз замирида бўрон тингандай дарров,  
Ногоҳ тинди ҳаммаси шу тоб.

Аллаким пойига ҳоким мук тушди шитоб,  
Сидқидилдан айлаб итоат.  
Жангга отилган халқ таққа тўхтади дарҳол,  
Дарвоза олдида қўшин ҳам тўхтади лол,  
Рагхунатх Рао амрин кутишиб алҳол,  
Сабрсизди лашкар—тумонат.

Олдга чиқиб рамшастри — кекса барахман<sup>1</sup>  
Кўпни кўрган тадбиркор сиймо,  
Қўлларини кўкка чўзиб у нола қилар:  
«Наҳот, сенга азиз бўлса жанговар зафар,  
Гуноҳингни ювмай, шаҳринг ташлайсан  
саркор,—

Икки марта туғилган<sup>2</sup> Рао!»

Ногоҳ тинди музиканинг янгроқ овози,  
Ҳоким бўлди оғир сукунат,  
Рагхунатх жавоб қилди: «Нечун йўлимни  
Тўсмоқдасан, айт-чи, устоз? Тутма қўлимни,  
Кўряпсан-ку биз элтяпмиз ёвга ўлимни,  
Қўшин кутиб турар бетоқат!»

Рамшастри жавобан деди: «Рагхунатх, сен  
Оғанг ўғлин айладинг ҳалок.  
Жиноятинг оғир — сени одил ҳукм кутар,  
Ва шастра<sup>3</sup> қонуни гуноҳкорни жазолар.  
Шастра амри муқаддас ва пок!»

<sup>1</sup> Б а р а х м а н — мажусийлар руҳонийси.

<sup>2</sup> Икки марта туғилган деб, уч олий табақа: коҳинлар, ҳарбийлар ва савдогар-хунармандлар вакилларига айтилади. Улар билим олиш имкониятига эга эдилар, бу эса иккинчи марта, яъни маънавий туғилиш деб баҳоланарди.

<sup>3</sup> Ш а с т р а — қадимги муқаддас китоб бўлиб, унда ҳиндуларнинг вазифалари баён этилган.

Довюррак Рагхунатх деди истеҳзо билан:  
«Эй, туёғинг шиқиллатиб қол!  
Тўсолмайсан подшо йўлин ва берма халал.  
Қара, найза-шамширларга — чақнайди ял-ял,  
Жангчиларга ўғит бермоқ бўлдинг бемаҳал,  
Йўлдан қўйма бизни, қоч, йўқол!»

Ғамга чўмди Рамшастри. Подшога деди:  
«Гарчанд сенга тақиқ йўқ экан,  
Мен ҳакам ҳассасин ташлаб абадул-абад,  
Олис қишлоғимда қилгум мен истиқомат.  
Керакмас ҳаётим, гар йўқ экан адолат,  
Бу оламдан мен воз кечаман!»

Бурғулар янграб кетди, урди ноғаралар бонг.  
Қўшин жилди билониҳоя.  
Ҳакам кечиб бойлик, шараф, амалидан ҳам,  
Қишлоқ ичра ғойиб бўлиб ғариб, муаззам,  
Юлдуз санаб дарвишона яшарди беғам,  
Ва шу ерда битти ҳикоя.

«ЛАҲЗА» ТУПЛАМИДАН  
(1900)

ҚОРА ҒУНЧА

Мен қора ғунча деб атайман уни,  
Қишлоғи деса ҳам уни қора қиз.  
Ҳаво булут куни далада кўрдим,  
Жон олувчи эди қора жайрон кўз.

Чодрасиз, очиқ ва мулойим эди,  
Кокиллари толим ва толим эди.  
Нақ оташ, қора қиз!.. Нимаси ёмон!  
Оҳуваш кўзлари қора чўғсимон.

Булут тўдасидан қорайиб осмон,  
Бир жуфт қора ялоқ сигир маъради.  
Қиз уни эшитиб чиқди эшикка,  
Қарс этган кўкка ялт этиб қаради.  
Нақ оташ, қора қиз! Нимаси ёмон!  
Оҳуваш кўзлари қора чўғсимон.

Шарқдан эсган шамол қаноти тегиб,  
Тўлқин жимирларди шолипояда.  
Ичида ишламас эди бирон жон,  
Уватда турардим ёлғиз соядай;  
Тўсатдан қиз менга боқди бир қиё...  
Кимнинг иши бор, ким кимга маҳлиё!  
Майлига, қора қиз! Нимаси ёмон!  
Оҳуваш кўзлари қора чўғсимон.



Жойтхо<sup>1</sup> бизга ато этмасми шундай  
Кажалини<sup>2</sup> гўё булутлар хокин,  
Қора кўлагалар тамал<sup>3</sup> қўйнига  
Ашор<sup>4</sup> билан шундай кирмасми сокин,  
Саратон тунлари шодлик-ла лим-лим  
Шундай сўкилмасми кўнгиллар чоки?  
Майлига, қора қиз! Нимаси ёмон!  
Оҳуваш кўзлари қора чўғсимон.

Мен қора ғунча деб атайман уни,  
Қўйса қўя берсин қишлоқ лақабин.  
Майкапар даласи томонда кўрдим,—  
Оҳу кўзларидан жон олган каби.  
Бошига чодрани илмаган ҳали,  
Андиша лаззатин билмаган ҳали.  
Нақ оташ, қора қиз! Нимаси ёмон!  
Оҳуваш кўзлари қора чўғсимон.

---

<sup>1</sup> *Жойтхо* — бангол календарининг учинчи ойи, май — июн-га тўғри келади.

<sup>2</sup> *Кажал* — сурма билан аралаштирилган қоракуя. Ҳинд аёллари кажални кўзларига қўядилар.

<sup>3</sup> *Тамал* — Ҳиндистонда ўсувчи дарахт.

<sup>4</sup> *Ашор* — бангол календарининг тўрттинчи ойи, июнь — июлга тўғри келади.

«БОЛАЛАР» ТУПЛАМИДАН  
(1903)

Д У О

Онажон, дуо қил уларни.  
Пок қалбли дунёнинг безакларини,  
Биҳиштнинг кичкина элчиларини,  
Дуо қил, онажон!

Улар ғамни кўрмас тушда ҳам,  
Гулгун юз-ла талпиниб бирам  
Қўлларини биз томон чўзар.  
Бу дунёда кўз очиб илк бор,  
Шаффоф кўзлар ташна ва хумор  
Теваракка ташлайди назар.

Боглар ичра қуёш сочган нур,  
Гўдакларга бағишлар ҳузур —  
Оналарнинг юзидек гўё.  
Юмшоқ гилам тўшаб йўлига  
Борлигини шулар қўлига  
Бахш этгандир ахир бу дунё.

Қўлларингда кўтариб аста,  
Севги тўла бағрингда асра  
Даҳшатлардан ўзинг доимо.  
Норасида гўдаклар ҳеч он  
Ғам кўрмасин, дея онажон  
Фотиҳа оч, шундай қил дуо!

Булар ҳали янги бир сайёҳ,  
Агар бизлар бўлмасак огоҳ

Йўлдан урар раҳмсиз дунё.  
Макр билан чандилган бутун  
Тўғри йўлин топиши учун  
Мададкор бўл, ўзинг бўл, паноҳ!

Майли, қандай бўлмасин сўқмоқ  
Соянг каби ортингдан ҳар чоқ  
Содиқ бўлиб борар беозор.  
Елғон, қайғу денгизидан ҳам  
Сен дарғадек қутқариб ҳар дам,  
Бўлгин ўзинг суянчиқ, мадор.

Дадил қўл-ла бўлмай бепарво,  
Уларни сен сиёҳдан қора  
Бу ҳаётдан бошла нур томон.  
Бил: уларни на ўйин, эртак,  
На кутади эркалаш, эрмак,  
Қутмоқдадир меҳнат ва замон.

Бизлар сирли, бир қайғу билан  
Пок гулларга боқамиз баъзан.  
Гул очганда бу қалблар қийғос,  
Кўкни босса момақалди роқ,  
Бўрон, совуқ, булутдан шу чоқ  
Биз эмасми қилгувчи халос.

Чеҳралардан асло табассум  
Аримасин, барқ урсин доим!  
Сен уларнинг номин доимо  
Эркалаб айт, чунки умрида  
Қайғу — дардни кўрмасин сира —  
Сен уларни қалбдан қил дуо!

Қайғу, даҳшат устидан ҳоким  
Бўлмоқни сен ўргатгин доим.  
Паноҳ топсин меҳрингдан улар,  
Жаннатлардан эсан шамол ҳам  
Оромини бузмасдан бирдам,  
Эркин кечсин бебаҳо кунлар.

## «ҚУШИҚЛАР» ТУПЛАМИДАН

\* \* \*

Сен ҳорибсан, юзларинг сўлғин, —  
Мизғимасдан чиқдинг бутун тун.  
Шаминг ўчар тонг сочганда нур,  
Қўз ёшларинг қуёш қуритур.  
Парданг очиб дунёга қара.  
Булут кетди олислаб, ана.  
Сўнаётган тунги бу сарқит  
Тонг хуснини бўғиб қилмас хит.  
Қуз эртаси нақадар сокин.  
Осмон тиниқ, барралар майин.  
Ғам тўшаги узра қайғули —  
Хаёлларнинг сўлмишдир гули.  
Чорлар сени ўрмон, ўтлоқлар.  
Сен гуллардан янги кун учун  
Гулдасталар қилишинг мумкин.

\* \* \*

Узанларга кирди янгидан оқин,  
Тўлқинлар кетидан чопади тўлқин!  
Қайдасан қайиқчи? Эшкакка югур,  
Тўлқин юксалмоқда, ел эсар ғир-ғир,  
Кўлдан бой бермайлик бир дақиқани!  
Етар шунча фурсат бекор ўтгани!  
Ишга вақт етгандир? Бурчимиз катта,  
Ҳамжиҳат кўкракни қеринг эшкакка!  
Қайиққа ташлансин тўлқин кўпириб,  
Оғдирмоқчи бўлсин, майли сув кириб,  
Одам, соҳилларни тўсса ҳам туман,  
Лангарни тортамыз, кўтариб елкан.  
Нима бўлса, бўлсин! Солмасдан галга  
Ваҳший кучга қарши кирамиз жангга!

\* \* \*

Мен васваса девонасиман,  
Адашганман юриб сўқмоқдан  
Туман ичра, туман ичра.  
Тиканакни гул деб узганман,  
Тилиб кетган ўша юрагим.  
Термуламан энди аламда  
Мен севгим деб ардоқлаганим —  
Ёлғон экан — ҳаммаси ёлғон!  
Хаёл келиб чулғар кўпинча:  
Ишонайми ёки бахтимга  
Ва севайми чирт юмиб кўзим?  
Билмасмидим унда аламини  
Қолмасмиди ёинки кўнглим  
Ҳеч қачон, ҳеч қачон.

•

\* \* \*

Ақлсиз деб аташар сени.  
Бардошли бұл, сақла сукунат.  
Бугун сенга лаънат ёғилар,  
Лой чапишар бугун юзингга,  
Эртагаёқ сенинг остонанг  
Қоплаб олар гул ва ҳаяжон.  
Улар ҳозир ҳокими мутлақ,  
Юқоридан боқишар бизга,  
Аммо эрта шубҳасиз улар  
Ҳузурингда икки букилар.

\* \* \*

Севганларинг, яқинларинг бари сендан қочганда  
Бу ҳеч гапмас, чекма ғам.  
Узоқ вақт сақлаганинг умид сопол парчадек  
Тупроққа буланса ҳам,  
Бу ҳеч гапмас, чекма ғам...  
Узоқ йўлда куз кечаси булутлар гала-гала  
Сени қуршаб олган дам  
Совуқ шимол ели изғиб, устингдан қуйса жала,  
Бу ҳеч гапмас, чекма ғам...  
Қуйларинг овозига парранда-ю жонивор  
Қулоқ солганида ҳам —  
Туғишгану яқинларинг қилмас экан эътибор,  
Бу ҳеч гапмас, чекма ғам...  
Теварагинг кар девордек агар қуршалиб бутун  
Йўл тополмай қолсанг ҳам,  
Эшик очиб, қутулиш ҳам агар бўлмаса мумкин,  
Бу ҳеч гапмас, чекма ғам...



\* \* \*

Ёдимда, кўзимиз тўқнашган у он,  
Бирон сўз демасдан қолганим ҳам жим.  
Уша айтилмаган сўз учун ҳамон  
Уйлар тўлқинида чайқалур бошим.  
У сўзлардан қочиб қутулиб бўлмас:  
Эшитилар гулдан, шафақлардан ҳам.  
Қаергадир сузган булут подаси,  
Эсган шамол борми, ирмоқлар саси,  
Айтилмаган сўзни такрорлар ҳардам.

«ГИТАЛИ»<sup>1</sup> ТУПЛАМИДАН  
(1914)

\* \* \*

Она-ерга келди қайтадан совур,  
Булутлар атрофидан ёприлди гур-гур.

Қуёш ва юлдузлар юзин беркитди,  
Тундаги сўқмоқлар чалкашиб кетди.

Кун сайин тўхтамай оқар эди сув,  
Сел осмонни тутиб соларди ғулув.  
Тошқинлар шовқини ингроқдек чўзиқ...

Тун ҳам бу ёғиндан бўлган каби маст.  
Мен каби севиниб, тинмай бир нафас;  
«Совур кирди»—дея соларди довруқ.

---

<sup>1</sup> *Гитали* — қўшиқлар.

\* \* \*

Олов  
    қалбим,  
            сен ол аланга!  
Ҳаёт деб ён,  
            ўт бўл  
                    оламга.

Аямагин  
    мени сен  
            ҳеч ҳам.

Бутхонада  
    қайта  
            ёққин шам!  
Қўшиқлар ўт  
            бахш этсин  
                    танга.

Олов  
    қалбим,  
            сен ол аланга!  
Ут тут —  
    мени чулғар  
            зимистон.

Юлдуз тунни  
    этсин  
            чароғон.

Нигоҳидан  
    тарқар  
            қоронғу.

Қайга боқса  
бұлсин серёғду.

Майли  
тун-кун азоб бер танга.

Олов  
қалбим,  
сен ол аланга!

\* \* \*

Бир қўлида қисиб ўткир қилични,  
Бир қўлида тутиб маржон, марварид,  
Эшигингни қоқиб келар шу тахлит.

Сендан талаб этмас хайру ёрлиқни,  
Кураш билан олмоқ бўлар борлиқни,  
Вужудинг қалбингга тўлдириб ғулу,  
Шу тахлит эшигинг қоқиб келар у.

Ўлимнинг энг оғир узун йўлидан,  
Ҳаётингга келиб кирар ноғиҳон.  
Кириб келар ёвқир бир аскарсимон.

Ўлжанинг ярмига шерик бўлмайди,  
Барини забт этмай кўнгли тўлмайди.  
Вужудинг, қалбингга тўлдириб ғулу,  
Шу тахлит эшигинг қоқиб келар у<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Бу шеърда гап инсоннинг бутун борлигини, куч, имконияти-  
ни талаб этадиган талант ва истиснод ҳақида боради.

\* \* \*

Булутлар келишга ваъда этдилар,  
Тун ҳам ваъда этиб турарди туман.  
Океан йўлида қирғоқ туташди.  
— Тамом бўлдим,— деди шунда Океан.

Қайғу менга айтди:— Сақлайман сукут,  
Сукут оёғида бўлгумдир унут.  
Мен айтдимки:— Мен ҳам қолажакман жим,  
Энди ҳеч қолмади бошқа илинжим.

Менга кўплар айтди:— Саломимиз ол,  
Сен инсонлар ичра бир тангри мисол.  
Кўк шипшиди:— Сен учун юлдузлар ёққум,  
Тўғри йўлингдан тақдир бурмасин токим.

Муҳаббат дедик:— Аерлик бурчим:  
Инсонни уйғотгум бахту ғам учун.  
Улим деди:— Қайиққаш шамол сингари,  
Тақдиринг бошларман ўз дарём сари.

\* \* \*

Менинг қалбим бекаси, нега  
Чеҳранг кўрмоқ nasibмас менга?

Жилванг ҳам йўқ. Кўзларинг худди  
Ой юзини булутлар тутди.  
Сўниб қолди найим навоси...

Шам пилигин тузатдим. Сен боқ,  
«Енгин!»— дея буюрганим чоқ —  
Чарақлайди чироғим қайта!

Бергин менга бир оз эътибор,  
Ҳатто гул ҳам ўтда шуъладор.

\* \* \*

Суз, менинг қўшиғим. Қўшиғим — кемам,  
Бўшатиб юбордим сени қирғоқдан.  
Шамолда ҳилпирар нотинч елкани,  
Узатдим уммонга — йироқ-йироққа.  
Узатмадим мен уни какку қушлар сайраган  
Қалин ўрмонлар сари,  
Узатмадим деҳқон қиз қоялар оралаган  
Сўқмоқ томонлар сари.  
Мен қўшиғим — кемамни океанга қистадим.  
Тўлқин, пўртаналарга дуч келишин истадим.  
Елғиз айбимиз шуки, иккаламиз ҳам танҳо,  
Атрофимиз чулғаган қуюқ зулумот дунё.  
Боғнинг хиёбонида — шохда япроқ ёзган гул  
Бизнинг гулимиз эмас,  
Деразада уйғониб, япроғин тўккан гул ҳам  
Бизнинг гулимиз эмас.  
Самода ёлқинланар офтоб — оташ гулсимон,  
Мен қўшиғим — кемамни узатдим қуёш томон.



\* \* \*

Уйимдан мен чироқ келтирдим, дўстлар,  
Йўлни қоронғида этай деб осон.  
Йўлчилар, номаълум дўстингиз истар,  
Йўлингиз бўлишини ўнғай ва равон.

Хитоб қилдим: «Қаранг, қуюқлашар тун,  
Зулматда ҳеч нарса илғамас кўзим.  
Ишонч-ла мўлжалланг машъалам ўтин,  
Йўлингиз ёритиб боргумдир ўзим.

Аmmo тун зўр келиб, чалди оёғим,  
Ожиз, хира бўлиб қолди машъалам.  
Бировлар йўлини ёритмоқчийдим,  
Зулматда адашиб қолдим ўзим ҳам.

Чироқсиз санқийман даҳшат тун аро,  
Қўрқаман зулматда зимзиё йиткум.  
Қутлуғ шуъла қалбимни ёндирки, зеро  
Ениб, шуълаланиб йўлни ёритгум.

\* \* \*

Йўлчиман. Йўл — қавму қариндош, дўстим,  
Тунда мени қуршар юлдузлар ёниб.  
Қанча кунлар ўтди, қанча йўл босдим,  
Қадам товушимдан билинар аниқ.

Ногоҳ тўқнашаман замонлар билан:  
Изини кўраман йўлдаги гардда.  
Замон, вақт гардиши айланур ҳамон,  
Не-не йўлни босиб қолдирган ортда.

Қўпданми йўлдаман? Қай кундан буён?  
Узоқ, кенг уфқлар чорлайди ҳамон.  
Гоҳ кенг йўлга чиқдим, гоҳ кездим сўқмоқ,  
Гоҳ тоғлар бағр очди, гоҳ кетди йироқ.

Йўлда ҳамроҳ бўлди умид таёғи,  
Ҳасса билан бормоқ енгил тун чоғи.  
Ҳаёт менга ҳар бир тортиқ қилган кун  
Шаробдек маст қилди мени бус-бутун.

\* \* \*

Аввал ҳам, тор, сени тинглаган эдим,  
Ҳис қилмаган эдим оҳангинг сеҳрин.  
Бугун сени тонгда қалбдан англадим,  
Гўё янги жаҳон очгандек сиррин.

Тун бўйи, кун бўйи жонбахш, сеҳргар  
Қуйилиб янгради сенинг куйларинг.  
Ҳаёт қўшиғидан сен қилган чамбар  
Қуршаб олар эди менинг ўйларим.

Бугун — ҳар галгидан тиниқдир ҳар ёқ,  
Бугун — водийларда зумрад бир гилам.  
Бугун — бошинг узра ўйнар шамол ҳам,  
Бугун — хушбўй гуллар айёми бир чоқ —

Бу гуллар чамбарин сенинг кўксингдан  
Унгандек ҳис этдим. Бу на оддий гул.  
Йўқ, булар ўтмишнинг ҳикоятидан  
Юракда тўқилган қўшиқдир буткул.

\* \* \*

О сайёҳ, сен каби бўлмоқ муддаом,  
Умримни бахш этдим йўлларга мудом.

Айрилиқ, йўқотиш! Уйим вайрона,  
Не куч билан барпо кулбаю хона.  
Барини унутдим. Қабул эт салом,  
Мен чангли йўллардан йўллайман калом.

Ҳаётимда бир тонг бермоқда нишон,  
Узун кун ҳамроҳим бўлмоқда ишонч!  
Шу янги ишончдан салом қабул қил,  
Ҳаракатдан ортиқ дўстинг бўлмас, бил.

Тақдирга мен шундай хитоб қиламан:  
Йўлдан сенга салом йўллаб қоламан!

## СҮНГГИ ТОРТИҚ

Мен тунман, сен-чи гулсан. То сен очилмагунча  
Зулмат сени бағрига босиб олганди шунча,  
Кўрдимки, юлдузларни қўймасдан сочгали нур,  
Сен очилдинг. Илтижо қилиб дедим: «Шошмай тур,  
Ҳалок бўлгум». Қуёш-ку туннинг, ахир, заволи —  
Фурсат етди, қайтмагай энди унинг жамоли.  
Энди ҳаяжон ила учасан оламаро,  
Визиллаб учганидай арилар кўкламаро.  
Қушлар товушини шамол садоси билан қўшиб,  
Сени лол-ҳайрон этар ҳаёт тўқиган қўшиқ.  
Мен кўрмадим ҳаётда нур, қўшиқ ва ҳарорат,  
Менга инъом этмади ҳаёт бундай саодат.  
Сенга ёлғиз тортигим — сукут сақлаш, жим қолиш,  
Кўзларингга боққанча ҳаёл, ғуссада толиш.  
Менинг шу жим қолишим — сенга айтган сўзимдир,  
Шу сукутда толишим — менинг буткул ўзимдир.  
Тонг тоғида, энг гўзал, беқиёс саҳар пайти,  
Мадҳингни куйлар эди юзлаб қушларнинг байти.  
Менинг кўз ёшларимдан, менинг ёшларимдан-чи  
Чеҳрангда ялтирарди олмосдек шабнам томчи.  
Бу видо қатралари майли оқсин шашқатор,  
Улар юзингни сақлар ўт-оташдан беғубор.  
Мен ғусса чеккан сарим — сен гўзалсан, маъсумсан,  
Яшнарсан Гўзалликнинг тонгги табассумидан.

## ИҲЛ ҚУШИҒИ

Олға, дўстим,  
Олға юргил, биродар.  
Йўлда қолмоқ —  
Улган билан баробар.  
Гову тўсиқлардан қилма андиша,  
Олға юргил, дўстим,  
Олға, ҳамиша.  
Дақиқа-дақиқа,  
Соат-басоат  
Бизни кутиб турмай ўтади фурсат.  
Ердан бирор лаззат, саҳоват кутма,  
Қутмоғинг бефойда — буни унутма.  
Календарь варағин йиртса-да тақдир,  
Вақтни ортга суриб бўлмайди, ахир.  
Биродарим,  
Олға юргил ҳамиша!

Ўтмиш ҳақида биз кўп сўзламайлик,  
Ўтмиш ҳаёлида қилмайлик парвоз,  
Календарь варағи оша биз боқиб,  
Тушлар, сояларга қўймайлик ихлос,  
Барибир на сенинг, на менинг умрим  
Тиклай олмас у хотираларни!  
Ахир, ҳаёт ўзи беради жавоб:  
Қўйнида нечоғли бор қайғу, азоб.  
Уларни юзма-юз учратмоқни ҳам,  
Жангчидай, ботирдай маҳв этмоқни ҳам,

Ғовлардан ҳайиқмай олға бормоқни,  
Барин ўргатади. Олға юр, ўртоқ!

Йўлда йўлдошингдан бўлгил хабардор,  
Шод эмас, қалбида балки дарди бор.  
Шовқин солиб ётса кенг водий,  
Сен зерикиб, бир сичқон каби  
Бир чеккада ўтирсанг ёмон,  
Кўринмаса кўзингга осмон.  
Бир дақиқа тўхтамас ҳаёт,  
Тирик қалбга жим қолмоқлик ёт,  
Тўхташ билмас асло иссиқ қон!  
Ким бир жойда ўтираркан у  
Бўшанг бўлиб сўлар, ўсмайди мангу.  
Фақат алдоқ тортади ортга,  
Дўстим, фақат олға бор, олға!

Ким орқада қолаётган бўлса гар,  
Ёнингга чорла, ҳамият кўргиз.  
Келмаса, ўзинг бор, биродар,  
Тақдир билан жангга юзма-юз.  
Майли, кўзларингга урилсин шуъла,  
Ортга чорласин, майли, сарсонлик, сароб.  
Ўз ваъданг устидан чиқиб бир йўла,  
Кўз ёши қилмай бор олға қараб.  
Курашда кўз ёши уйқу бермас иш.

Йўл бўйлаб қашшоқлар тизза букишган,  
Қоқдир суяклар.  
Кимки ҳаракатда бўлса, бу ишга  
Ачиниб қарар...  
Оёқлар остидан қўзғалган ғубор  
Яна йўлга чанг бўлиб қўнар...

Дўстлар, қўрқманг, бўлинг мардонавор,  
Ташланг ялқовликни, чангларни қоқинг.  
Орқага — жаҳаннам сари бордир йўл,  
Олға боқинг,  
Олға юргил,  
Биродар!

«ЖУЖА» ТУПЛАМИДАН  
(1914—1915)

СУРАТ

Наҳотки сен суратсан,  
Фақат суратсан холос?..  
Зулматларга чулғаниб,  
Асрлар тунда сузган,  
Осмон океанида совуқ жилва кўргузган  
Юлдузлар туманидай сирли шуъла сенга хос?  
Узоқ сайёраларнинг ёғдусидексан наҳот,  
Наҳотки сен суратсан,  
Бир суратсан беҳаёт?  
Юлдузларнинг абадий ҳаракат, оқимида  
Наҳот сен қимирламай  
Қотган бўлсанг осуда?..

О сурат,  
Кеча-кундуз чеҳрангдан бизлар томон  
Хаёлларга тўлганча қараб турар у жонон.  
Чиқиб суратдан топмас тириклар сари у йўл,  
Барча йўллар бекилган,  
Унутилгандир нуқул..  
Кеча-кундуз, мангулик орамизда у ҳамон,  
У билан ўртамизда қалин девор бор аммо.  
Вазмин, хўмрайиб турар бу девор қалъа мисол,  
Обадий онтохпурнинг<sup>1</sup> тутқунин этиб қамал.

---

<sup>1</sup> *Онтохпур* — аёллар турадиган ичкари уй.





Юритиб мўй қаламни  
Олам ақлу донишин этдинг менга намоён.  
Ҳаётда биз бир йўлдан бордик талай ёнма-ён.  
Аммоки на чорадир, ўртага ҳижрон тўлиб,  
Зулмат парда остида узилди умр йўлинг.

Мен олға кетдим. Йўллар мени бошлади йироқ,  
Олдинга чорлар эди менинг йўлларим ҳар чоқ.  
Борар эдим, борардим мен манзилни қоралаб,  
Бахту нуру азобу уқубатлар оралаб.  
Гоҳ ғамгин борар эдим, бахтиёр борардим гоҳ,  
Нур, зулмат тошқинлари йўлимда бўлиб ҳамроҳ.  
Ёмғир билан лиқ тўла булутларнинг қўшини,  
Ёрқин қуёш порлаган кўкнинг тубсиз бўшлиғи,  
Янги-янги уфқлар кўринарди кўзимга,  
Ранги ўзгарган гуллар уринарди кўзимга.  
Вақт ҳам ўтар эди, турланар эди ҳаво,  
Оқимлар минг бўлиниб, кўтариб шовқин, наво  
Ҳаёт ҳақида куйлаб оқарди ирмоқ-ирмоқ,  
Ўлим қўнғироқларин чалиб қўярди ҳар чоқ.

Мен олға борар эдим, мен олға қадамлардим,  
Шамоллар тўқиётган қўшиқларни англадим.  
Узоқ йўлнинг қувончи қалбимга бўлганди ёр,  
Уйлар ва ташвишларда борардим мардонавор.  
Аммо сен тўхтаб қолдинг, бурилдинг йўлдан  
четга,  
Қимирламай жим қолдинг ожиз, мадоринг кетган...

Чанг ҳам, ўт ҳам, юлдуз ҳам,  
ҳам кумуш шуъла ҳилол —  
Абадий ҳаракатда.  
Фақат сурат жиму лол.

Шоирнинг вайсашига қулоқ османгиз асло!  
Йўқ! Сен сурат эмассан, суратмассан мутлақо.  
Қим айтар, ҳаракатсиз қотиб қолган деб сени,  
Гўё совуқ бўёқлар у беқиёс ҳусни  
Сурат ичра абадий лолликда қотирган дер,  
Қим у, ўлик сукутда дард ила оҳ урган дер?  
Қим у, сени мангулик тарки дунё этган дер,  
Бегона, соқов олам қучоғига кетган дер?

Агар сенинг борлигинг  
Абадий сўнган бўлса,  
Унда йўқ бўларди-ку  
Қуриб дарёнинг ўзи,  
Ўйнаб-ўйнаб оқмасди тўлқин кеча-кундузи.  
Олтин шафақ шуъласин акс этган булутлар ҳам  
Тепамдан ҳозир сузиб ўтмасди бунча кўркам.

Сен ҳаётдан кетган кун  
Ўзинг билан мабода  
Ажойиб сочларингни ола кетсанг дунёдан  
Унда аниқ эдики,  
Ўрмонлару чорбоғлар,  
Соя ташлаб шивирлаб, тўлқинланган япроқлар  
Фақатгина туш бўлиб, мангу ғойиб бўларди...

Сени унутсам наҳот?  
Токи эканман ҳаёт  
Сен қалбимда яшайсан —  
Шу сабабдан мен сени унутган бўлсам керак.  
Ўзимни унутгандан  
Шундай туюлсам керак...  
Хаёлларга шўнғиб мен, ўтлоқлардан юрганда  
Оёғим остидаги гулларни кўраманми?  
Ярим кеча саргардон йўлда қадам урганда  
Тепамда юлдуз чақнар, уларни кўраманми?  
Ҳа, мовий юлдуз нури мен билан бирга доим,  
Гулларнинг атир бўйи нафасимда мулойим.  
Юлдузлар ва гулларни унутганимга сабаб,  
Сендай уларни қалбда олиб юргайман асраб.  
Айт-чи, шу унутишими?..

Баҳор кўркинг кўраман оламга боқиб бугун:  
Майин кўкат юзида — яшилланган ўзингсан,  
Само ложувардида мовийланган ўзингсан.  
Сенга қўшилиб бугун қўшиқ куйлаганимни,  
Ҳатто ўзим сезмайман сени ўйлаганимни.  
Қўшиқларимда сенинг шод оҳанглариинг янграр,  
Сенинг илҳоминг билан менинг шеърим  
жаранглар.  
Сен — шоирсан. Шоирнинг юрагида яшайсан.

Совуқ сурат буйеги сенга булломас маскан.  
Сени учратиб қолдим бугун саҳар чоғида,  
Яна йўқотиб қўйдим зулумат қучоғида.  
Қоронғида мен сени яна топиб олдим-да,  
Тонг шуъласи кулгандай бўлди ногоҳ қалбимда,  
Йўқ, сен сурат эмассан,  
Сурат эмассан асло!

\* \* \*

Биз олға борамиз, борамиз доим...  
Бизнинг бу юришни тўхтатолгай ким?  
Кимки ортда қолса у йиғлар, йиғлар,  
Бағрини тиглар...  
Жазирама ва туманда ҳам  
Чангли йўлдан ташлаймиз қадам.  
Оёқлар панжаси майли бўлсин қон.  
Ортда қолганларга йўл бўлгай қопқон.  
Ундайлар йиғлайди, йиғлайди гирён.  
Даҳшат худо Рудра бизни қўллар-да,  
Чорлаб турар бизни олис йўлларга.  
Кенг, шовқинли олам қаршимиздадир,  
Порлаётган қуёш аршимиздадир.  
У сочар бошлардан иссиқ оловин...  
Нурдан масту шоддир кўнгилларимиз,  
Гову тўсиқ билмас ҳеч йўлларимиз.  
Кимки бу саратон, офтобли кунда  
Соя-салқинларга беркинса, унда  
Ҳаёт алангаси бўлгай бегона.  
Ундайлар йиғлайди, йиғлайди гирён.  
Денгизлару тоғлар чўққисин ошиб,  
Чексиз кенгликларга биз қучоқ очиб —  
Борамиз, танҳолик қўрқитмас бизни.  
Улар-чи, деворлар паналарида,  
Чулғаниб ўй-хаёл панжаларида,  
Мангулик қўрқинчга тўлиб туришар,  
Йиғлашар, йиғлашар, гирён уришар...

Кун келар — яратган эгам уйғонар,  
Уйғонар ва ҳаёт бурғусин чалар,  
Унда буткул чирир разил кишанлар,  
Шубҳалар йўқолиб, порлар ишончлар...  
Ҳамда ғалабанинг ёрқин ялови  
Уфқларни безар оташ — оловдек...  
Улим океанин мардона ўтиб,  
Биз янги ҳаётнинг қўлидан тутиб  
Барҳаёт қоламиз... Аммо-чи, улар,  
Қим тани жонини эҳтиёт қилар,—  
Уларнинг бағрини ҳалокат тиғлар,  
Улар йиғлар, йиғлар ва йиғлар...

«ХОТИМА» ТЎПЛАМИДАН  
(1931)

САВОЛ

Улуғ тангри, сен юборган асрлар бўйи  
Қатор-қатор мухлисларинг бизга ўргатди:  
«Шафқат бирла яралгансиз. Сабрли бўлинг,  
Танти бўлинг, қаттиқ кўнгил бўлманглар асти».

Марҳаматли бу жарчилар ҳайратга лойиқ.  
Нима чора, бизлар йўлдан озган халойиқ!  
Бизнинг замон ҳақиқатни пастга тортади,  
Адолатни ёқасидан ушлаб отади.

Ўзим кўрдим, ғамдан жинни бўлган болани,  
Бошларини урар эди кўча тошига.  
Қайғули бир ҳол.  
Оломон жим кузатарди унинг қошида.

Тангрим, кечир мени, сенга бир саволим бор:  
Куфр йўлини тутиб сенга шак келтирганни  
Ва муқаддас ўз номингни ерга урганни,  
Айт-чи, севиб қилармидинг гуноҳин бекор?

«ЯНГИДАН» НОМЛИ ТЎПЛАМДАН  
(1932)

СУНГГИ МАКТУБ

Хувиллаб ётади бўш уйим хомуш,  
Гўёки у мендан юзин ўгирган.  
Ўзимни қўйгани жой тополмасдим  
Хоналар ичида изғиб юраман,  
Бугуноқ уйимни ижара қўйиб  
Деҳра-Дун шаҳрига жўнашим керак.  
Омоли хонасин очмоққа эса  
Қўлларим бормайди эзилиб юрак.  
Бировга топшириб кетмоқдан аввал  
Лозим-ку супуриб-сидириб қўймоқ.  
Охири шарт очдим эшикни, кирдим:  
Атир шишалари. Туфли ва тароқ.  
Бурчакда турибди фисгармония.  
Тахмонда китоблар, альбомда эса  
У ўзи елимлаб қўйган суратлар.  
Таппа-тахт турибди кийим-боши ҳам,  
Ойнали жавонда қўғирчоқлари,  
Упаю эликдан бўшаган қути,  
Курсига ўтирдим хомуш ва сокин:  
Столнинг устида унинг сумкаси.  
Шу чарм сумкани кўтариб бир вақт  
Мактабга қатнардим Омоли ўзи.  
Масала дафтарин қўлимга олдим,  
Бир очиқ мактубча ичидан тушди,  
Устига ёзилган менинг адресим,  
Дастхатин кўрдиму қалбим увушди,  
Дерлар, чўкаётган киши ўйида



Утмиши бир зумда бўлар намоён.  
Нақ шундай ҳаммасин эсладим бирдан:  
Дафтарин қўлимга олганим замон.  
Онаси ўлганда етти ёшдайди,  
Қалбимда ётарди қандайдир ваҳма:  
Ўйлардим, бу қизча узоқ яшамас!  
У доим хафа-ю ғамгин юрарди,  
Юзида айрилиқ кунлардан дарак —  
Бергувчи қандайдир соя кезарди.  
Қўрқардим мен уни ёлғиз қўйгани.  
Ишда ҳам мен уни ўйлардим фақат:  
Босмаса деярдим мени бир ғафлат!

Бир куни байрамда холаси келди  
Банкипур шаҳридан ва таъна қилди:  
«Элу юрт саводхон бўлган бир замон  
Қим хотин қилади чаласаводни!»  
Бу таъна қалбимда бўлди-ю армон  
Ўқишга бермоққа қилдим аҳд-паймон.  
Эртаси мактабга юбордим уни!  
Бор эди қизимнинг талай бўш куни.  
Баъзида ўқишдан қочиб келса ҳам  
Мен унинг сирига бўлиб эм, ҳамдам  
Оталик ҳурмати ичга ютардим.  
Келаси йили ҳам холаси келди,  
Ва деди: «яхшимас бу қилган ишинг!  
Бер уни Банорас олиб кетайин,  
Энг яхши пансион очгай оғушин!  
Оталик меҳринг-ла талтайтирма, қўй!»  
Омоли жўнади дарди ичида,  
Нега ҳам мен унга ижозат бердим!  
Ўзимни аламдан этай, деб халос  
Бош эгиб саждага Бандринатх бордим,  
Тўрт ойча ўтса ҳам бир хат келмади,  
Ўйлардим: эҳтимол, ғамхўр кишилар  
Оталик меҳримнинг ўрнин босгандир,  
Эҳтимол, худонинг раҳми келгандир,  
Қалбига солгандир ҳаловат ҳиссин!

Тўрт ойни ўтказиб Банорас томон —  
Омоли олдиға бормоқчи бўлдим,

Ва лекин етмасдан, йўлда хат олдим,  
У вафот этганди. Ҳаммаси аён...  
Мана мен Омоли хонасидаман,  
Қошимда ўша хат. У хатда демиш:  
«Мен сени бир кўриш орзусидаман!»  
Вассалом.

## ОДДИЙ ҚИЗ

Мен оддий бир қизман онтохпурада,  
Албатта сен мени танитайсан ҳеч.  
Мен сенинг энг сўнгги ҳикоянг бўлмиш  
«Сўлган чечаклар»ни ўқидим бу кеч.  
Сочлари қирқилган қаҳрамон қизинг  
Ўттиз беш ёшида кўзин юмади.  
Ўн бешда бошланган бахти қаролик.  
Ростини айтайми, эй, Шорот-бобу  
Сеҳргар экансан чиндан ҳам ўзинг,  
Сен сабаб: тантана қилар у қизинг!

Ўзимдан гап очсам, мен бир ёш қизман,  
Ва лекин бир қалбни этганман мафтун.  
Ўзим ҳам у қалбдан бўлдим беқарор.  
Ким бўпман? Кўплардек оддий бир қизман,  
Ёшликда ҳамма ҳам этади шайдо!

Шу оддий бир қизнинг ишқ достонини  
Марҳамат қилсангу, қаламга олсанг.  
У бахтсиз бир қиздир, лекин кўксига  
Ажойиб ҳис-туйғу ётар яширин.  
Ана шу яширин сирри-асрорин  
Сен топиб, ҳаммага айласанг ошкор.  
У ўзи оқ кўнгил. Ҳақиқатгамас  
У бахтга муҳтождир. Унинг кўнглини —  
Олмоқлик қийинмас. Мен сенга ҳозир  
Бошимдан кечганини қилай ҳикоя.

Деяйлик у йигит исмини Нореш,  
У дерди: Дунёда сенсан азизим,  
Ва сендан ўзгага эҳтиёжим йўқ.  
Гарчанд бу мақтовга ишонмасам ҳам  
Елғон ҳам дейишга журъат этмасдим.

Мана у Англияга кетди. Салдан сўнг  
У ёқдан хатлари кела бошлади.  
У менга албатта ёзарди сийрак,  
Ўйлардим: вақти ҳам зиқ бўлса керак.  
У ерда қизларнинг сон-саногини йўқ,  
Ҳаммаси ақлли, соҳиби жамол.  
Ҳаммаси Норешим кўргани замон  
Айрилиб қолгандир ақлу ҳушидан;  
Ачиниб шунча вақт кўзга ташланмай  
Юртида хокисор юрган кишидан.

Бир хатда дебди у: денгизга бордим,  
Чўмилдим, ҳамроҳим бўлди Лиззи қиз.  
Бир денгиз парисин ёниб мадҳ этган  
Бенгалча шеър ҳам қўшиб қўйипти.  
Сўнг икков қум узра ўтиришибди,  
Тўлқинлар ялабди оёқларини.  
Қуёш ҳам сийпалаб яноқларини.  
Шу маҳал оҳиста дебди Лиззи қиз,  
Ҳозир-ку биргамиз, яқинда эса  
Кетишинг аниқдир. Мана чиганоқ.  
Сен шунга, азизим, жилла бўлмаса,  
Кўзларинг ёшидан бир томчи оқиз.  
У бўлур мен учун гавҳардан азиз.  
Қаранг-а, сўзлари қандай жимжима!  
Нореш дер хатида: Қилма эътибор,  
Сўзлари бўлса ҳамки дабдабадор,  
Ўзгача бир ажиб оҳанглари бор.  
Олтиндан ясалган, олмосга тўлиқ  
Гуллар табиатда бўлмаса ҳамки,  
Сунъийсин ниҳоят юксакдир нархи».

Хатида келтирган бу ўткур ташбеҳ  
Қалбимга тикандек санчилди ногоҳ.  
Мен оддий бир қизман, молу мулк, давлат

Дидимга шунчалик бермаганки лат  
Зар, гавҳар фарқини билмасам, ҳайҳот!  
Нетайки шу аҳвол бўлганди содир  
Қасдимни олмоққа эмасдим қодир!  
Ўтиниб сўрайман шу оддий қизнинг  
Қисматин бир яхши ҳикоя қилсанг:

Севгани узоқдан хайр-хўш айтиб,  
Зодагон зотлардан улфатлар тутиб,  
Еттита машина эгаси бўлган—  
Жонона қошида умрбод қолган!  
Билдимки ҳаётим бўлмиш минг пора.  
Толеим кулмади. Аммо сен тасвир  
Этажак қаҳрамон қизинг албатта  
Ёвлардан ўч олсин менинг учун ҳам!  
Бахтларга ёр бўлсин сен тутган қалам!

У қизга Малати дея исм бер,  
(Менинг номимни ҳам худди шундай дер.)  
Барибир ҳеч кимса мени танимас.  
Малати исми кўп ёруғ дунёда,  
Венгалияда-ку бесону саноқ.  
Ҳаммаси тўпори, содда, кўнгли оқ.  
Хорижий тилларда сўзлашни билмас,  
Уларнинг ҳамроҳи кўз ёши, фироқ.

Малати шодликдан қилсин тантана,  
Қалами қудратли, ақли расосан.  
Жафою ғуссада Сапунталадек!  
Тоблагин сен уни. Лек менга раҳм эт:  
Худодан тилаган биттаю-битта  
Умиду орзумдан бўлганман жудо.  
Лекин сен йигитни асра албатта  
Қиссангда мадҳ этган қиз бахти учун.  
Майли у Лондонда етти йил юрсин.  
Вақтини сарф этиб хушторларига,  
Синовда қийналиб, доим йиқилсин.  
Мана шу орада сенинг Малатинг

---

1 Сапунтала—Буюк ҳинд шоири Калидаса (V аср)нинг  
шу номдаги драмасининг қаҳрамони.

Калькутта шаҳрида ўқиб-ўрганиб  
Фан доктори деган даража олсин.  
Майли у қаламинг амри ҳақи-ла  
Улуғ бир математик бўла қолсин.  
Бу ҳали баримас. Олижаноб бўл,  
Қизни ҳам жўнатгил Европа томон.  
У ерда яшовчи ақли расолар,  
Ҳокиму, шоиру, моҳир рассомлар  
Бу олим аёлнинг ақлу ҳуснига,  
Ногаҳон порлаган фан юлдузига  
Мафтуну беқарор бўлишсин, адиб.  
Жаҳолат юртида доврў таратсин,  
Инглиз тили-ла француз, немис  
Тиллари янграган у олиймақом  
Жамият диққатин қила олсин ром.  
Гиргиттон бўлишсин унинг қошида,  
Шуҳрати оламга кетган кишилар.  
Шаънига қуришсин базми зиёфат,  
Ёмғирдай ёғилсин унга олқишлар.  
Суҳбату-зиёфат чоғида у қиз  
Ажойиб эшкакчи қайиқ сургандек  
Ўзини тутолсин ишонч-ла сипо.  
Тасвирла атрофда гўнғиллашларин:  
«Ҳа, унинг кўзида мавжуд ҳаммаси,  
Ҳиндистон даҳшати, жасирамаси!»  
Шуни ҳам айтайки, менинг кўзимда  
Малати кўзидан фарқли ўлароқ  
Тангрига муҳаббат ёнади порлоқ.  
Ва лекин бечора кўзларим бироқ  
Европа кишисин кўрмаганки, у  
Боодоб, хушфеъл, ахлоқли бўлсин!  
Оломон қуршаган Нореш у қизнинг  
Майлига ғалаба гувоҳи бўлсин.  
Сўнгра-чи? Майли, мен этмайман давом.  
Шу ерда бўлади истагим тамом!  
Тангридан ношукур бўлмоққа яна  
Бу оддий бир қизнинг нима ҳаққи бор?

## ЯГОНА САДО

Оламдан не биламан? Бир бўшлиқдир у беҳад,  
Мамлакатлар, шаҳарлар, чеҳралардан иборат...  
Унда яшар инсонлар ва номаълум саҳролар,  
То ҳануз мен билмаган неча-неча дарёлар,  
Улар ғоятда кўпдир, бу олам ниҳоят бой!  
Менинг ақлим-чи, ундан кичик улуш ҳойнаҳой,  
Шу сабаб мен сўзларга ихлос қўйдим ва эзгу,  
Муқаддас саргузаштли китобларга ишондим,  
Уларнинг туб қаърига шўнғиб кетганим оним  
Билим гавҳарларини олиб чиқаман кам-кам  
Ғоят ожиз билимим, ғоят чексиздир олам!  
Аммо бор коинотнинг шоириман-ку, ахир,  
Нуру зулмат — ҳаммасин мен учун айтган тақдир.  
Оҳангларни эшитсам фарқин қилурман шу он:  
Бу тошларнинг товуши, бу кулаётган ўрмон;  
Таъзим этиб коинот, илтифот қилиб турар,  
Тошлар, оқимлари-ла мен билан суҳбат қураб.  
Қўшиқ билан лиммо-лим тўлиб турар қучоғи,  
Самоларга бўй чўзиб ярқираб қорли тоғи,  
Тоғлари ҳам куйлайди, баъзан босиқ ва соқов,  
Қулоқ билан эшитиб бўлмайдигандай гоҳо.  
Аммо улар қалбимда жаранглаб, айтади сўз.  
Жанубий қутб уфқидан менга нур сочар юлдуз.  
Бу юлдузнинг номини билолмайман то ҳануз,  
Аммо ярим кечалар у мендан олмайди кўз.  
У мени ўзи билан чорлар бир манзил сари.  
Ва узоқ тўлқинларнинг осуда шов-шувлари

Қалбим қиргоқларига урилиб берар садо.  
Гарчанд менинг товушим олам бўшлиғи аро  
Ожизгина оҳангдек эшитилса-да, бироқ  
Садоларга қўшилиб гўё момақалди роқ  
Бўлиб гумбурлайди у кенг само қучоғида  
Булутларгача етиб мен бу олам тоғида  
Куйлар билан яшайман. Аммо бало шундаки,  
Қалбларнинг ич эшигин очиб бўлмас шунчаки,  
Ва ўнғаймас англамоқ фикру зикрин одамнинг.  
Қанийди яна кўпроқ билолсайдим оламни!  
Деворлар йўл бермайди. Тақдирнинг тўрт девори  
Қадам ургани қўймас. Йўқ дилнинг ихтиёри.  
Оламга қандай чиқай, қандай топай эшигин?  
Биламан ер ранг-баранг, қизиқ ҳаёт бешиги.  
Ҳар бир қўриқ, бўз учун омоч керак бўлади,  
Турли-туман матолар дастгоҳда тўқилади.  
Турмани бекитмоққа керакдир қулфу калит,  
Лекин менинг қалбимга нечук қудрат лозимдир.  
То бировлар қалбининг қулфини очмоқ учун?  
Бу қудрат менинг сўзим, сўзимдир, овозимдир.  
Уни шундай айтайки, кўрсатсин сеҳру кучин.  
Аммо бундай сўз қани? Не ҳақда баҳс этар у?  
Бировлар дарвозасин ёнига бораману  
Худди қувғин мисоли тураман бурилишда,  
Тураману бир журъат тополмайман киришга.  
Утирибман оламнинг қора тош зинасида.  
Худо буюрганики, инсон бир-бири учун —  
Яшаб, бир-бири учун куйлашда билсин бурчин.  
(Йўқса, куй-қўшиқларнинг бўлмасди унча қадри)  
Демак, менинг шеъримда йўқ ҳаёт, яшаш сатри!  
Улар текис йўллардан йўл топиб кетолмайди,  
Тоғнинг доvonларидан мардона ўтолмайди,  
Тўғри келган манзилда адашиб кетса мумкин...  
Ер ҳаётига яқин, содиқ шоирнинг, лекин,  
Овози бошим узра янграшини истайман...  
Булутдан чақмоқ, ердан саҳоват кутгандай мен  
Уни кутаман бедор, гарчи ўзим бемадор,  
Аммо кута оламан, кутишга қудратим бор!  
Шундай шоир келажак — ҳақиқатгўй, донишманд,  
Шоир деган номни у кўтаражакдир баланд,  
Ва бу олам қадрини улуғлар эҳтиромда



Ҳеч бир ҳазил-пазил йўқ шоир деган бу номда!  
Мағрур руҳ билан келар, шон-шарафга совуққон  
Номидан гапиришга ҳаққи ҳам бўлсин, майли!  
Кел, эй шоир, қуёшдан, сувдан, тоғлар бағридан  
Жонажон еримизнинг огоҳ бўлиб дардидан  
Оға-инилар билан борини кўргил баҳам.  
Балки кўп қайғу чеккан бу мамлакат саҳнида  
Бирор қўшиқ топмасан худди мен каби сен ҳам,  
Аммо билиминг билан қондир унинг ташнасин  
Нодон, ёлғон, ёмонлик дашти куйиб, яшнасин.  
Саҳролар қучоғида яшириндир кўп булоқ,  
Сен уларнинг сувидан ичиб, ўсгансан бир чоқ,  
Оч булоқлар кўзини, улар жўшиб отилсин,  
Чанқоқларни қондириб, шарқирасин, очилсин.  
Бечоралар бу сувни узоқ йиллар кутдилар,  
Ҳатто сув борлигини бир умр унутдилар.  
Шундай ўрганиб қолган улар ёшлик чоғидан.  
Сен уларга оға бўл, улар номидан гапир,  
Уларни улуғласанг улуғланарсан, шоир!  
Дунёдаги изтироб, уқубат чекканларнинг  
Жамики садосига, шоир, садонг бўлсин тенг.  
Сенинг Ягона садонг алам садоларини —  
Узида жамлаб, тутсин олам самоларини!

«ИИҒНОҚ» ТУПЛАМИДАН  
(1933)

Г У Л

Мевали дарахтнинг нозик шохида  
Сени соғиниб гул кутмиш эй, аёл.  
Нафасинг текканда саҳар чоғида  
Сенга бағрин очиб, бўлиб мафтун, лол  
Боқмиш гултожини сялкитиб хушқол.

У сўзламиш: «Қадим-қадим замондан,  
Ҳаёт бошланганда ёруғ жаҳонда,  
Яшил ер зулматда ётганида жим  
Етаклашиб опа-сингилларга хос,  
Ўтиб чакалакзор, бугазорлардан  
Битта мақсад сари қилардик парвоз.

Ўша ибтидоий файз ичра биз  
Шундан бери қондош эдик умрбод.  
Аммо шум хатолик кўрсатди-ю юз  
Ушбу заминдаги ошёнда ҳайҳот,  
Кўп ўтмасдан айри тушди йўлимиз.

Бизлар юз қайталаб дунёга келдик,  
Чойшаб ёпиб яшил дуб орасида  
Борган сари гўзал, хушбўйроқ бўлдик,—  
Айландик фалакнинг гардиши билан  
Азалий тириклик доирасида.

Шунча бевафолик сўнгида охир  
(Ўрганган эдинг сен инсон нутқ-сўзин)

Энди кўришдик биз, эсларим оғиб  
Қайтмас бўлиб кетган ўша вақтдаги  
Қондошлик ҳисси-ла тикаман кўзим.  
Аммо аминманки, кўрмагай заво  
Ялакат мағиздай якдиллигимиз,  
Ҳисларимиз айри тушмас ҳеч маҳал,  
Улар ҳамоҳанг бир мусиқамисол  
Жаранглайди, қани тинглаб кўрингиз.

Бу куй шундай дейди ҳар оҳангида:  
Усимликман, гуллаш пешадир менга.  
Дунёга юз марта келсам янгидан  
Нафосатим билан, чиройим билан .  
Кўзларни ардоқлаш зиммамда ҳамон,  
Севмоқ эса, эзгу қисматдир сенга».

«ДАВР» ТУПЛАМИДАН  
(1936)

А Ф Р И К А

У олис, ғоят хира, узоқ бир асрдаки,  
Яратган худо ижод ташвиши билан тўлиб,  
Ўзи бино этганни вайрон қиларди яна...  
Унинг қаҳр-ғазабига мубтало бўлган замин  
Титраб, ҳаяжон ичра тебраниб турган кунда  
Қизил денгизнинг қўли ўша куни дафъатан,  
О Африка, қурғоқдан ажратиб олди сени.  
У қўллар шарқ қитъадан сени айру тушириб,  
Ўрмонли тоғ бағрига жойлаштирдилар у кун.  
У ер шундай жой эди: аранг-аранг тушар нур,  
Тақдир ихтиёрида қолгандинг беихтиёр.  
Ажойиб сеҳру тилсим тўпладинг сен у ерда.  
Табиатнинг номаълум, пинҳон муъжизалари  
Сенда уйғотар эди севги, ихлос, муҳаббат.  
Жаранг қаҳқаҳа билан даҳшатдан устун  
келдинг.

Даҳшатли либосларга, матоларга чулғаниб,  
Муқаддас ногоранинг гумбурлари остида  
Арвоҳу руҳларни сен шод этдинг бениҳоя.

О сен, қора, қоп-қора зулмат буркаган замин,  
Инсонлик қиёфасин қора либос остида,  
Мудҳиш, қора ниятли кишилар нигоҳидан  
Яширган ва бекитган ору номусли диёр,  
Улар келишдилар-ку тузоғу кишан билан,  
Сиртлон тирноқларига ўхшар улар панжаси.  
Булар зўравонлардан уюшган бир подадир,

Уларнинг ўй-хаёли қора зулматдан ёмон.  
Ёввойи ёвузлиги, мудҳиш очкўзликлари  
Ғоят бешарманадир ва ғайри инсонийдир.  
Сўқмоқларга тўкилган қонлар узра томувчи  
Оҳангсиз йиғилару, садосиз кўз ёшлардан  
Қонли ботқоққа ўхшаб қолди тупроқ уюми.  
Ва лаънати бу уюм қонли, ифлос бу уюм  
Сенинг хайру ҳушингга етказди путру завол.  
Аммо худди шу чоғда,  
Океандан нарёғда  
Қўнғироқлар садоси секин мавжланар эди.  
Кеча-кундузи демай,  
Бу садо сира тинмай  
Шафқатли раббанони мақтаб, авжланар эди.  
Жингала соч болалар ўйин тушар эдилар,  
Шоирлар қўшиғида, назму ашъорларида  
Гўзалликни улуғлаб, қайнаб-жўшар эдилар.

Нотинч мағриб шамоли  
Эсаётган бу дамда,  
Яширин уяларидан  
Йиртқичлар ўкиришиб  
Чиқаркан ҳар қадамда,  
Бу ожиз, қашшоқ дунё  
Ичра келгил, эй шоир,  
Виждонин йўқотганларга:  
«Ўзингни бос!»— деб айтгил.  
Махлуқий садоларнинг  
Ичида бу сўнггиси —  
Юксак ақлу идрокнинг  
Маҳсули бўлгай токим,

## «ГИТОБИТАН»<sup>1</sup> ТУПЛАМИДАН (1911—1939)

### БАНГОЛИЯ ТУПРОҒИ

Банголия тупроғи, Банголия зилоли,  
Банголия җавоси, Банголия ниҳоли  
Азиз-табаррук бўлсин, азиз-табуррук бўлсин,  
Азиз-табаррук бўлсин, э тангри!

Банголия қишлоғи, Банголия бозори,  
Банголия ўрмони, Банголия экинзори  
Неъматларга лиқ тўлсин, неъматларга лиқ тўлсин,  
Неъматларга лиқ тўлсин, э тангри!

Банголия юмуши, Банголия забони,  
Банголия хаёли, Банголия имони  
Ҳаётда топсин қадрин, ҳаётда топсин қадрин,  
Ҳаётда топсин қадрин, э тангри!

Банголия, руҳинг бор, қалбинг бор ҳамма ёқда,  
Сингилу укаларинг яшар қаёқ-қаёқда,  
Иттифоқ бўлсин бари, иттифоқ бўлсин бари,  
Иттифоқ бўлсин бари, э тангри!

---

<sup>1</sup> *Гитобитан* — қўшиқлар йиғиноғи.

\* \* \*

Алам косаси тўлди — ол уни, илгинга ол,  
Юрагим кабоб бўлди—лаббо-лаб ич, эй висол,  
Тун бўйи коса билан беором йўқламишам,  
Бу юкдан халос эт, деб на қиттак ухламишам!  
Орзу-умид рангига бўялди тўлқин тағин,  
Вақтидир, ғамларимни лаб қўйиб сипқармоғинг,  
У билан янги куннинг хушбўйин ютажаксан,  
Мукофотига менга кўзларин тутажаксан.

\* \* \*

Шўрликкинам, чақирганингда ҳеч ким  
бормас экан ортингдан,

йўл боса бер бир ўзинг!

Ҳеч кимсадан чиқмаса садо,

Юз ўгириб турса мабодо,

Ваҳимада бўлса афтода,

Сен дилингни очгину ўзинг,

Юракдаги муқаддас сўзинг

айта бер ёлғиз!

Сенга ҳеч ким қўлдош бўлмаса,

Қийин йўлда йўлдош бўлмаса,

Тиз чўкса, ҳеч бардош бўлмаса,

Машаққатли йўлда бир ўзинг

Қонга бўяб сўқмоқни изинг,

бора бер ёлғиз!

Қора чойшаб ёпиб олса тун,

Емғир ёғиб ваҳм солса тун,

Ҳеч ким эшик очмай қолса тун,

Учқун олиб, чаққанда чақмоқ,

Юрагингни машъал қилиб ёқ,

бора бер ёлғиз!



\* \* \*

Соядай ўтди жонөн қошимдан тун маҳали  
Ой зулмат дарё узра нур сочмаганди ҳали.  
О, номаълум гўзалим, ёниқ дил сенга ошиқ,  
Жон фидо ишорангдан қалбимга тўлар қўшиқ.  
Сен кўздан ғойиб бўлдинг, танҳо ҳамда паришон,  
Қамалак ой нуридан шуълаланарди осмон.  
Ойдин тунда сўқмоқда қолган гуллар шодаси—  
Сендан менга умрлик хотира ифодаси.

\* \* \*

Қора булут бағрин ўртаб тобора,  
Гумбурлар устма-уст улкан ноғора.  
Чақмоқ чақнаб ётар, зулмат қаърида,  
Даҳшат, ваҳима бор менинг бағримда.  
Қўрқинчдан титрайди сенинг овозинг,  
Булут узоқ кунлар шундай чиниққан,  
Гулдурак ва шамол қудратин йиққан,  
Жам қилиб жала-ю бўронлар кучин  
Борлиқни остин-уст қилмоқлик учун.  
Жаҳондага барча овози садо  
Бўрон ўкиригида,  
Бўрон ўкиригида,  
Чўкиб кетсин деган мақсадда.

\* \* \*

Тунги осмон — қоп-қора ғунча,  
Гули бўлиб очилади ой.  
Ёзилади шуъла барглари,  
Аммо борми бу гулнинг ҳиди?  
Ҳиди шуки, мен унга мафтун,  
Ғусса тўла кўнглимда шу ўй.  
Тонгда битар ой гулнинг умри,  
Муҳаббатим ва ой сочган бўй,  
Қайга кетар ва этар макон?  
Улар қолар шу сатрларда,  
Ёдинг билан тўла бу шеърлар  
Яшай берар тургунча замон.

\* \* \*

Бахтиёрман ўз юртимда туғилганимдан минг бор,  
Она, сенга меҳрим билан бу ерда мен бахтиёр.  
Шоҳи жаҳон хазинасида бўлгучи ул ноёб дур  
Балки, она, сенинг мунис сийнангда ҳам сақланур.  
Менга аён сенинг шарпанг, менга ором бағишлар.  
Ахир бундай муаттар ҳид қай ўрмонда топилур?  
Кўкдан боққан ой ҳам шундай сочаларми тиниқ нур?  
Ҳатто ўлар чоғимда ҳам кўзларимга энг илк бор  
Зиё берган ўша нурга боқаман такрор-такрор.

\* \* \*

Янги дунё тонги барқ урди кўркам,  
Сафсаталарни қўй,  
Эй, эҳтиёткор!  
Бўладими, йўқми,  
Оз бўлурми, кам,  
Гап билан фурсатни  
Утказма бекор!  
Юксакдан отилган шалола каби  
Нотаниш йўлга чиқ  
Уйлаб кўрмаёқ,  
Бу кураш йўлида чиниқар қалбинг,  
Бу бирлик барчани қилар дўст-иноқ!  
Шошилгин, сен босиб ўтган йўллардан  
Дарак берсин бонглар шонли зафардан.

## ОНА НИДОСИ

Эй Она! Эшикда бўлдинг-да пайдо  
Биздек фарзандларга ташладинг нидо.  
Ер узра ёйилди оқшом ранг соянг,  
Далалар ёпинди қоп-қора ридо.  
«Қучоғим сизларга кенг очиқ!» — дединг,  
Ҳар сўзга ажойиб бир маъно бердинг.  
Маъноки, томиру қонларда елиб  
Ҳар қалбга йўл топар ҳайқириқ бўлиб.  
Ғам-ғусса, ташвишга ботган кишилар  
Сенинг бу нидонгни албат олқишлар!

Мўъжиза кутгандек шошамиз уйга,  
Тонготар чоғида дарёдан ўтиб,  
Бир сиқим дон учун баримиз тутиб,  
Очлик келмасин деб бир лаҳза ўйга.  
Сен кечув йўлини бошлаб қўй, Она,  
Елканинг юборгин сўнгра мардона.  
У олис қирғоққа ўтайлик бардам.  
У ёқда совуқ ел фарёд уради,  
Шамчироқ милтиллаб ёниб туради.  
Ўчириб қўйгудек уни зўр шамол,  
Эй, Она, у шамни сен бағрингга ол,  
Милтиллаб ёнса ҳам, майли, ўчмасин!  
Сен уни ишонч-ла сақлаб безавол,  
Ўнг қўлга олгину кўтар юқори,  
Ажойиб манглайинг ёритсин нури.  
Ў нурни кўрайлик уйга қайтган чоғ,

Яхшидир йўлингни кўрсатса чироқ.  
Бу олам ранг-баранг шаҳарга тўлуғ,  
Ва лекин бирорта очиқ эшик йўқ!  
Қулоққа чалинди бир «ку-ку» саси  
Сўнгги бор буталар оша кечаси.  
Кечки ел қатидан анқиб туради  
Урмонлар чечагин хушбўйи, нси!  
Бошқа бир йўловчи энди йўқ албат,  
Йилтироқ қуртгина ёнади фақат  
Чақнайди бу кўзлар даҳшат кутгандек,  
Ташвишу аламнинг вақти етгандек.  
Сен эса эшикда турасан ҳамон  
Ҳаммангиз меники, юринг»,—деб шу он!»

### СЕНСАН, ОНАЖОН

Ким ҳар қайда хабардор биздан,  
Умид билан овулар ўзин.  
Ким у бизнинг юзларимиздан  
Уза олмас ёш тўла кўзин?  
О, бу она, сенсан, онажон.

Ким меҳрибон сўзласа ҳаргиз  
Гапларига қулоқ солмаймиз.  
Кимнинг сўзин унутамиз тез,  
Юракларда сақлаёлмаймиз.  
О, бу она, сенсан, онажон.

Тарк этамиз кимни доимо,  
Оғушида бир зум қолмаймиз.  
Кимни олис ҳижронда ҳатто  
Соғинмаймиз ёдга олмаймиз?  
О, бу она, сенсан, онажон.

Ёлғиз қолиб кулбада, ким у,  
Ҳар кун бизга тайёрлар таом,  
Улкан меҳр туҳфасидир бу,  
Аммо бизга ширинмас тамом?..  
О, бу она, сенсан, онажон.



## БАНГОЛИЯ ЛАКШМИ<sup>1</sup>

Ҳар бир дарё соҳилида, хушбўй ўрмонзор,  
Ҳар кулбада оналарнинг қўлин изи бор.  
Сен Гангдаги ўн иккита қасрда ҳозир  
Бананларнинг соясида соғасан сигир,  
Оппоқ сутлар оқар экан ирмоқларсимон,  
Қўшиғида Банголия, борсан ҳар қачон.  
Тун-кун сенда табассуму ва меҳнат тери.  
Фарзандларинг ҳолдан тойиб, букилиб бели  
Қолганини сен билмайсан. Она бўлсанг ҳам  
Ахир сен-ку ўғилларинг қилгувчи бардам.  
Юмушларинг ҳаддан зиёд, ҳеч олмайсан тин:  
Сен очасан тонгга қадар гулларнинг юзин.  
Қайнаб турган ирмоқ қуриб қолмасин дея  
Туш пайти япроқлардан ташлайсан соя.  
Кўланкангда соқлаганинг бу ирмоқчалар  
Булбуллардек туни бўйи тинмай куй чалар.  
Фарзандларинг ҳориб ухлар. Далада ҳозир  
Ҳосил пишар, Ер, тунда ҳам билмайсан ҳузур!  
Куз фаслида бир оз ҳордиқ олишинг мумкин!  
Ҳа, ташвишдан қутулмайсан шунда ҳам бутун.  
Силкитганда шоиларни кеч куз шамоли  
Она, қайта мен кўраман сенинг жамолинг.  
Лабларингда табассум-ла гуллар боқади,  
Эрка, қувноқ кўзларингдан ҳаёт оқади.  
Она каби сен боқасан жиддий, хотиржам.  
Кўрганимда унутилар жароҳат, алам.  
Нафасингни шимираман кўздан тўкиб ёш.  
Бош эгаман, содиқ қолиб, бўлиб орқадош.

<sup>1</sup> *Лакшми* — ҳинд афсоналарида бахт ва давлат маъбудаси.

## УМИД

Эй она, Банголия!  
Хаётим қуёши ботгани замон  
Сен мени бошладинг онтохпур томон  
Ва ёқдинг бошимда сўнмас чироғинг  
Ва ногоҳ кўрдингки, кафан ҳар ёғин —  
Гулчамбар қуршабди бағримни эзиб —  
Оққан қўшиқлар-чун кўксимдан сизиб.  
Улимдан кейин ҳам умид ва армон —  
Чўғлари кўксимда ёнарди ҳамон.  
Кўрдингу сен янги гуллар бахш этдинг,  
Тиканин тердингу баргин яшартдинг...  
Тикансиз гулчамбар ёпиб турдинг-да,  
Дединг: «Сен мангусан она юртингда —  
Эй, азиз ўғлоним!» Сўзингдан ногоҳ  
Кўзимни очсамки, туш экан, эвоҳ!

## ЯНГИ ЯИЛГА

Янги йилдир, сенга Ҳиндистон,  
Қўшиқларим атайман бутун.  
Халқинг сенга, мунис онажон,  
Ҳаётини бағишлар бутун.  
Билагининг куч-қудратини,  
Ишончини — садоқатини,  
Бутун умри ва меҳнатини  
Бағишлайди, она, сен учун.  
Қуллуқ, салом қабул эт, она муқаддас,  
Эгик бошлардан.  
Совға қилган кўзамиз  
Олтиндан эмас — тўқилган баргдан.  
Шоҳона дабдабани кутма биздан, онажон,  
Бу ахир сенга ночор гадолардан армуғон.  
Гадоларнинг пок қўли хайрлидир, эй ватан,  
Оёқларинг остидан тупроқ олгани билан<sup>1</sup>.  
Қўлларимизда кўза — зайтун япроқларидан.  
Қалбимиз саҳоватин унга жойладик бутун,  
О, Ҳиндистон онажон, қўшиқларим сен учун.  
Сенинг бойлигинг — бизнинг камбағаллигимизда,  
Сенинг қўшиғинг — бизнинг гунгү лоллигимизда,  
Сажда ила ибодат сенга не учун даркор,  
Юрагимиз сеники — ўзга бизда нима бор?  
Сукут сақлаймиз бизлар, қалбларда сўз кўп аммо,

---

<sup>1</sup> Оёқ остидан тупроқ олиш — Ҳиндистонда улуг ва иззатли одамларга эҳтиром билдириш ҳисобланади.

Бойларнинг эскисини эгнимиздан отамиз,  
Елкамизга юлдузлар зар тўнин ёпсин само,  
Сўйла она, оташин нидонгни эшитамиз.  
Куч бер ўзинг бизларга қутулмоққа қўрқувдан.  
Ғам, аламлар юкини елкадан отмоқ учун.  
Куч бер мангу ҳаётга келмоқ учун қайтадан.  
Шамол билан жадал суз Янги қирғоққа бугун.  
Ўрмон сукунатида жимгина қотган ҳаёт,  
Сахро жазирасида қовжираб ётган ҳаёт  
Тирилсину қалбларга чашмадай оқиб кирсин,  
Тўлқинлар отиб кирсин.  
Биз ўлимни енгамиз,  
Қўрқувни ҳам мангуга.  
Ишон, бунга эй ватан,  
Амин бўл бунга!

## ЎЗГАЛАР КИЙИМИ

Жаноблар эскини сен эгнингга илибсан,  
Е уят-ор танимга ўтмайди деб билибсан.  
Наҳотки, бу зил юкдан эгилмайди гарданинг,  
Наҳотки, бу сарқитдан сирқирамас баданинг.  
Бу латталар устингда мақтанаётир гўё  
Дея: ирkit танингдан қимматроқмиз, эй гадо.

Эгнингдаги кийимлар сенда эрку пок виждон  
Йўқлигидан бир нишон.  
Бошингдаги қалпоғинг, биласанми, рўдапо,  
Какку қушдай бетиним сайраётир эл аро:  
Сенинг бошинг, кўр, менинг оёғим остида деб  
Такрорлаётир у ҳадеб.  
Аччиқ қилиб эгнингдан ташлаганинг кир чопон  
Ўзгалар кийимидан афзал эди юз чандон.

## ИККИ МУҚОЯСА

Оқмоғидан тўхтаса дарё,  
Қуриб, бир кун бўлғуси адо.  
Адо бўлар қотиб қолган халқ  
Анъаналар ботқоғи аро.

Одам юрган йўл узра асло  
Бош кўтармас ва ўсмас гиё.  
Қадим урфин от йўлингдаги  
Тўсиқларни отгандай гўё.

## А П Р И Л И Ш

Вақт келди, кетмоқчиман, даркор йўлга чиқмоғим,  
Мени чорлар йироқлар, кунлар ҳижронга қолди,  
Келди айрилиш чоғи.

Мени чорлар тўлқинлар бири бирини суриб,  
Шодон қийқириқ билан қирғоқларга бош уриб,  
Мовий теранлик узра кема сузар пишқириб,  
Кўксимни эркалайди, саболарнинг дудоғи.

Мени чорлар йироқлар, кунлар ҳижронга қолди,  
Келди айрилиш чоғи.

Шафқат не? Тутқундир ул! Ҳислар не? Сўнган бир кул!

Юрагимни қоплаган пардани отдим бутун,  
Занжирларни парчалаб, уйимдан кетдим букун —

Мени чорлади тақдир, чорлади гардуни дун,  
Гўдагим, ухляяпсан, кеча ҳали кўп йироқ,  
Тушлар кўраётибсан, тушларинг эзгу, порлоқ,  
Уйғониб кўрасанки, дўстинг йўқ, қандай фироқ!

Мумкинмикан қачондир дўстинг ёддан чиқмоғи.  
Мени чорлар йироқлар, кунлар ҳижронга қолди,  
Келди айрилиш чоғи.

У кунларнинг сафосин, у кўзларнинг қаросин,  
Ташлаб кетгумми, ҳайҳот!

У ҳарирар кўйлақларни, у эзгу тилақларни  
Тарк этгумми умрбод?!

Зўр тоғлардан нарига, океанлардан йироққа  
Кўк осмонга, қуёш, ой баҳс айлаган пучмоққа

Ёш бургут худди шундай интилади учмоққа,

Уйғонаман, юмилмас кўзларимнинг қароғи,

Мени чорлар йироқлар, кунлар ҳижронга қолди,

Келди айрилиш чоғи.

Олам — бизнинг онамиз, она нидоси билан

Баҳодир эр ўғиллар олади яроғини.

Мен ҳам ахир жангчиман.

Улуғ бир жанг бораркан,

Сенинг оғушинг аро ором олмоқ чоғими?!

Бурғулар чақиради, айт, бўлгум қандай одам,

Умримни фақат сенинг роҳатинга бахш этсам.

Ўлим сўрар эл қонин,

Тарк этиб ўз маконин,

Одамлар орасига солди машъум сўқмоғин...

Мени чорлар йироқлар, кунлар ҳижронга қолди,

Келди айрилиш чоғи.



«ОҚШОМ» ТУПЛАМИДАН  
(1936—1938)

ТАНИШУВ

Илк баҳор шамоли туриб оёққа  
Қайиғим урилди таниш қирғоққа.  
Чақриб сиз мени бердингиз сўроқ:  
«Нотаниш бўлсак ҳам айтинг-чи, йироқ —  
Манзилни кўзлабми чиқдингиз йўлга?»  
«Ўзим ҳам билмадим» — шу келди тилга.  
Бир маҳал ўкириб уйғонди бўрон...  
Еввойи тўлқиндан қайиғим бир ён...  
Тўлқину қайиқда бир ўзим қолиб  
Ешлигим дардларин куйлардим нолиб...  
Бу қўшиқ — куйимга лол қолиб икков:  
Бир қизу бир йигит — келин ва куёв  
Қордай оқ гулчечак туҳфа тутдилар,  
«Сен бизнинг одамсан» дея кетдилар.  
Шу сўзда бор мақсад айтилган эди,  
Шу бўлди илк бора танишув пайти...  
Кейинроқ, сув тинчиб, камайган маҳал,  
Шовқинли тўлқинлар дам олган маҳал,  
Какку қуш сояда сайраган бир чоқ  
У унут кунларни эсладим ногоҳ...  
Дарахтлар гулларин дув-дув сочарди,  
Қудратли тўлқинлар олиб қочарди.  
Баҳор байрамнинг таклиф қоғози, —  
Йўқотиб маъноси, кетиб эъзози,  
Ғижимлаб ва йиртиб ташлангансимон  
Гулбарглар оқарди — ранглари сомон!  
Қудратли, даҳшатли тўлқинлар ҳамон

Қайиғим отарди чайқаб беомон.  
Келажак йилларнинг сайёҳи — ёшлар  
Узоқда ортимдан қичқира бошлар:  
«Кимсиз эй, қоронғи тунда шу замон  
Юлдузлар нурида сузувчи инсон?»  
Сеторим қўлимга олдим шу чоғ  
Куйладим сеҳрли куйлар сочароқ:  
«Номимни эслангиз абадул-абад  
Мен сизнинг одамман ҳамиша, ҳар вақт»  
Авлодга қолдирган васиятим шу  
Шу эди охири бизнинг танишув.

## ЕЛКАН

Елканли қайиғим елиб боради,  
Кўзимни олмайман қарши қирғоқдан.  
Дарахтлар, далалар қолиб боради,  
Бир-бирин қувлашиб яқин-йироқдан.  
Чопишиб ўтади қирғоқ уйлари,  
Югурар тинмайин нотекис сафлар.  
Югурар қоялар, қумлоқлар бари,  
Гўё кимдир мени қилган мусаххар  
Барчаси ёнимдан ўтиб боради,  
Саробдек эрийди кўзимда, ана!  
Гўё бир зўр рассом сурат солади,  
Ва кейин у ўзи ўчираб яна.  
Қайиқнинг елиши банд этган мени,  
Бу елиш гўёки беҳудуд, мангу.  
Мени забт этгандек қадим ўйини,  
Ўйинки, асрлар оша яшар у...  
Ўтмишни унутмай эсларман дердим,  
Ва лекин унутдим олға силжигач.  
Ўтмишнинг армонин қалбимдан сурдим,  
Янги бир соҳиллар кўзга илинган.  
Қайнаган тўлқинлар оша қайиғим  
Қанча йўл-масофа босди бетиним  
Бу мангу ҳаётда қанча вақт, қайғум  
Мангулик бағрига чўкиб кетди жим...  
Бундайин елишнинг ўзга гашти бор,  
Ва лекин кўксимни эзар бир оғриқ.  
Паст-баланд учишдан қалбим миннатдор,

Бу ҳаёт ҳамиша илҳомга тўлиқ.  
Чарчамас эшкагим тик кўтарилиб  
Тўлқинни тарс ёриб сувга ботади.  
Эшкагим айланар «томоғин» қириб,  
Умр ҳам у билан бирга ўтади.  
Кун ботди дегунча тўхтар эшкагим,  
Жонига теккандай айланавермоқ.  
Йўлида тўхтамай кетаверса ким  
Бир-бирин кўришдан бўлади йироқ.  
Қайиқ-чи, кўпикка кўмилиб ҳамон  
Даҳшатли денгизда сузиб боради,  
Денгизки, тўфонли, мангу, беомон.  
Уфқида юлдузлар сувда ёнади.

«ТУҒИЛГАН КҮНДА» ТҰПЛАМИДАН  
(1940—1941)

ЖАҒОНИЙ УЙҒУНЛИК

Мен нима ҳам билардим улкан замин ҳақида,  
Қанча юрт, қанча элат, шаҳарлар бор бағрида.  
Қанча ажиб қасрлар, қанча тоғ, чўл, уммонлар,  
Қанчадир мен билмаган дарахт, қушу ҳайвонлар.  
Умрим кечган макон шу диққинафас хонадир,  
Юрагим сиқилишдан, дард-аламдан ёнадир.  
Алам қилса не илож, бундан қайга қочурман,  
Саргузаштлар битилган китобларни очурман.  
Поёни йўқ денгизлар, олис-олис сафарлар,  
Мен билмаган қирғоқлар, мен билмаган шаҳарлар  
Кўз олдимдан ўтсину берсин дейман дилга нур,  
Ҳеч бўлмаса китобдан қилай дейман тасаввур.  
Шоирман, элим билан бирга бўлмоқ истайман,  
Севинчин ҳам, ғамин ҳам куйга солмоқ истайман.  
Аммо қўшиқларимнинг барин айта олмадим,  
Ниятларим кўп эди, тўла ета олмадим.  
Кеча сукунатига қулоқ тутсам неча бор  
Бу жаҳоний уйғунлик бўлар эди ошкор.  
Юксак қорли тоғларнинг қўшиқлари ҳар замон  
Менга етиб келгандай туюларди ногаҳон.  
Жануб осмони узра  
Ярақлаган сайёра  
Кечалар менинг ҳорғин кўзларимга қўнарди,  
Заррин нурлари унинг кипригимда ўйнарди.  
Баҳордаги оқин сув  
Кўтариб шовқин-ғулув,  
Кўксимга қуйиларди тошқин сатрлар бўлиб,

Шеърларимда оқарди қайнаб, кўпириб, тўлиб.  
 Шоирлару шеърлар, дostonлару қасида  
 Жаҳоний уйғунликка монанд эди наздимда.  
 Билганча ижод қилдим ва ишондим муқаррар  
 Овозим янгради деб барча билан баробар.  
 Сарасвати кўлимдан етаклади, кўллади,  
 Олам менга уйғунлик асrorини сўйлади.  
 Лекин инсон қалбига йўл топиш гоят мушкул,  
 Биз билган оддий кунлар мезонига сиғмас ул.  
 Била олур бошқалар юрагини дамо-дам  
 Ўз қалбини ўзга қалб бирла қўшолган одам.  
 Ҳайҳот, мен ёлғизману  
 Қаршимда дарвоза берк.  
 Чун андоқ яшолмадим эл бирла қўшилгудек.  
 Мана деҳқон, у ерга вужуди билан пайванд,  
 Тўқувчи дастгоҳида, балиқчи тўр билан банд.  
 Бу ишлар бари оддий,  
 Арзимас туюлса ҳам  
 Аслида шу одамлар бирла тирикдир олам.  
 Мен уларга деразам ойнасидан қарайман,  
 Фақат бир томошабин бўлмоққами ярайман?!  
 Неча бор шу меҳнатга қўшилгум деб уриндим,  
 Лекин қайда журъат, куч?  
 Жуда ожиз кўриндим.  
 Одамлар қалби билан пайванд бўлмаса қалбинг,  
 Сохта қўшиқларингдан юз ўгиргуси халқинг. •  
 Чин юракдан чиқмаса агарда армуғонинг,  
 Бу ўтмас мол билан тенг.  
 Қимга шеърим ёқмаса — мен ўзим тан олурман  
 Ва жим қулоқ солурман.  
 Чунки қўшиқларимга барча бирдай боқмаган,  
 Барчага тенг ёқмаган.  
 Қимки бўлса ҳар нафас,  
 Халқи билан ҳамнафас  
 Эл учун ўша одам азиз, жондош, муқаддас.  
 Оҳ, қачон кўраркинман шундайин бир шоирни,  
 Она-ер тафтин шеърга сингдирмоққа қодирни.  
 Мен ёзолмай ўртанган қўшиқларни ёзса ул,  
 О, нақадар бахтиёр, шод бўларди бу кўнгил!  
 Салом сенга, қалбларни шод этувчи ҳақиқат!  
 Сохта шакл сенга ёр бўлмасин бир дақиқа.

Сўз гавҳари ўйину эрмак учун терилмас,  
Шуҳрат ила шараф-шон мис тангага берилмас!  
О, тезроқ кел, тезроқ кел, шоирларнинг шоири,  
Фозилларнинг фозили, бокирларнинг бокири!  
Кел, халқ дардин куйлаб кел, интизордир эл санга,  
Кел, кўпдан қувноқ куйлар янграмаган ватанга.  
Шеъринг сенинг бамисли дарё бўлиб оқсину,  
Қақраб ётган чўлларга оби ҳаёт берсин у.  
Шоир қалби севгининг қайнаб турган чашмаси,  
Бу чашманинг кўзин оч, халқ-ку унинг ташнаси.  
Халқ айласин эҳтиром — фақат шоирни эмас,  
Қим ҳаётнинг шодлигу қайғусидан ҳар нафас  
Огоҳ бўлса.

Дунёнинг жамоли олдида ким  
Бошин эгиб турса жим,  
Ўшани ҳам эҳтиром қилса шоир қатори,  
Номин қўйса юқори.  
Келажак шоир, эшит!  
Сенинг ул жўшқин созинг  
Узоқ ҳам яқинларнинг олиб келсин овозин.  
Биродар бўл бизга чин,  
Сенинг шуҳратинг, шонинг халқнинг ҳам шони  
бўлсин.

Шунда сени чинакам буюк шоир атайман,  
Қаршингда бошим эгиб,  
Сенга ўқийман таҳсин.

«БЕТОБЛИҚДА» ТУПЛАМИДАН  
(1940—1941)

ЭШИКНИ ОЧ

Эшикни оч,  
Мовий осмон гумбази  
Яққол кўринсину қалб топсин ҳузур.  
Хонамга таралсин боғлар нафаси,  
Кўкрак қафасига тўлсин ёруғ нур.  
Ҳаёт эканимни сен этгил тасдиқ,  
Ел самодан бунёд бўлганин дунё.  
Кўз ўнгимда турсин ўрмонлар қуюқ,  
Алвон сари ўраб олгандай гўё.  
Қачонлардир бошдан кечган ишқ дарди  
Қалбимда қайтадан қилмоқда туғён,  
Тўлқинда, тўлқинли сумбул сочларда,  
Далаларда мени чорлайди пинҳон.  
Асир бўлдим ёшлик, қувонч ҳиссига,  
Бошимда фикрлар қилади ғулув,  
Шафақ жилоланар, осмон кўксига  
Тонг тақиб қўйгандай бир шода инжу.



**«СОҒАЙИШ» ТЎПЛАМИДАН**  
**(1941)**

**ОЧИҚ ДЕРАЗА ЕНИДА**

Дераза ланг очик бўм-бўш хонада,  
Ажойиб сокиндир бу олтин чоштгоҳ.  
Гўё ер қаъридан чиққандай нидо,  
Олисдан янгради бир қўшиқ ногоҳ.  
Қалбимни кўкларга олиб кетгандай,  
Хушвақт жаранглайди бу қўшиқ тинмай.  
Қимга бахш этайин оташ қасида?  
Қимга қўшиқ учун ташаккур айтай?

Сўз маржони тизар осуда кўнгил;  
Сўзларки, бизларни этар маст, шайдо.  
Эҳтирос сўнмоқда — ўт олмай енгил,  
Менга «бахтлиман», деб дил этар нидо.

### СОАТ ЗАНГ УРАДИ ОЛИСДА...

Соат занг уради олисда, бироқ  
Шаҳар шовқинини ўтказмас девол.  
Март офтоби менга том оша шу чоқ  
Боқади жилмайиб, боққандай иқбол.  
Соҳилга борсамми сўқмоқдан, унда  
Ганг оқар мавжланиб, жўшиб беором.  
Одамлар кутади, кутади кунда  
Саватим ўтказиб қўяр деб паром.  
...Ўлим соатида ўтишдир маҳол —  
Нариги соҳилга, бозор усти тим;  
Баққолларни итлар этади беҳол —  
Акиллаб, пашшалар тўзғир бетиним.  
Кува, қоплар, сонсиз ғилдирак саси,  
Бақриқ — эслатар худди ўрмонни. •  
Юкли аравалар қанча-қанчаси  
Шотисин тушириб кутар сарбонни.  
Пристанга келди балиқчи кема,  
Калхат пастлаб учар тўлқинлар узра, —  
Савдо-сотик иши бунда авжида,  
Баққол нарх талашиб ўлтирмас сира.  
Пристан серқатнов ҳамда кенг даргоҳ,  
Аmmo одамларга тўлгандир буткул.  
Ана, том устида, иссиқда; чоштгоҳ  
Навқирон эшакчи тўр ямар нуқул.  
Ганг ортида эса қаср қуббаси  
Қўзни қамаштирар ўйнатиб зиё.  
Ўрмон ичра ғариб аёл галаси —



Ҳатто дарё оқар бемавж, осуда.  
Қайиқлар арқонга боғланган бу чоқ —  
Демак, балиқчилар дамда, уйқуда.  
Қадимий боғ. Утлар ўсади эркин  
Чампак дарахтининг теварагида.  
Унинг соясидир ҳузурбахш, салқин,  
Думалоқ гуллари хушбўйдир жуда.  
Турналар олади соясида дам,  
Ҳатто ўтказишар тунни беозор.  
Қўллар қўшиқ айтиб тинмайди ҳечам,  
Қўксида булоқлар сапчиркан ҳазор.  
Сувлар ариқларда лимо-лим оқар,  
Ўт ва ўланларга бағишлаб ҳаёт.  
Ва узукли металл қўллар ирғитар  
Тегирмонга ҳаёт уруғин ҳайҳот.  
Жазира авжида, кундуз ҳам узун.  
Узоқ ҳаётимнинг кенг йўлкасида  
Кўрганларим ёдга тушди бус-бутун,  
Афтидан, бу борлиқ қондаси-да.  
Улим соатида,  
Шаҳар девори  
Ортида соатлар занг урган чоқда,  
Унутилган ҳаёт манзаралари  
Оҳиста мен билан хайрлашмоқда.

### ОДАМЛАР МЕҲНАТ ҚИЛАДИ

Эснаган даврнинг оқимларида  
Хаёлим чопади кенгликлар сари.  
Йўл-йўлакай мени ҳамма жойларда  
Кутади ўтмишнинг зулм шарпалари.

Қанча жаҳонгирлар, қанча зўравон,  
Урда сардорлари, қанча саркарда  
Беҳуда куч сарфлаб, оқиздилар қон,  
Ва ўлим сочдилар қанча шаҳарда.

Сувори афғонлар келдилар бир чоқ,  
Оғир ғилдиракли лашкарин тортиб.  
Мўғуллар келдилар елпитиб байроқ,  
Келдилар бизга ғам, уқубат ортиб.

Уларнинг музаффар лашкари қани?  
Қани зафарлари, шараф-шонлари?  
Арава йўлдаги излари қани?  
Қани тупроқ узра тўккан қонлари?

Бироқ янги чирой касб этиб осмон,  
Қамоли ҳусн-ла гўзал тонг отар.  
Тонготар ҳуснидан ранг олгансимон,  
Атласга ўраниб гўзал кун ботар.

Олис темир йўлдан ваҳима солиб,  
Трубадан бурқитиб олов ҳамда дуд,

Бизга ғамли қисмат ва жафо олиб  
Инглиз галалар ошарди ҳудуд.

Биламан уларнинг тенгсиз қудратин,  
Лекин, вақт келарки, ўшандай қудрат  
Уларнинг изини ўчириб бутун,  
Империя зулмин ирғитар албат.

Бемаъни эскилик, қолдиқ сингари  
Қуролли таҳдидлар йўқ бўлиб бутун,  
Биз халқлар якка, жам бориб илгари  
Олис асрлардан чиқамиз бир кун.

Унда дангасага ўрин йўқ, ҳар зот  
Туну кун, давр оша қилади меҳнат.  
Меҳнаткаш аҳлига шараф! Умрбод  
Эъзоз қилинади жўшқин шижоат.

Одамлар ер ҳайдар, экар, сўнг ўрур,  
Меҳнаткаш қўлларга ўқир тасанно.  
Улар кўмагида қилдим тасаввур:  
Келажак касб этар ажойиб маъно.

Ғолиблар ҳайкали этилар бекор,  
Солдатлар каскаси, шлём, арқлар ҳам.  
Жанг-жадал, бемаъни яна нима бор —  
Болаларга эртак бўлар ўша дам.

Йўқотар одатий тусин жанг, кураш,  
Лекин Банголия, Бомбайда яна —  
Гужерата, Панжоб ёқда меҳнаткаш  
Халқ меҳнат жангида қилар тантана.

Порлоқ келажакка инониб чунон,  
Империя харобати узра эл,  
Янги пойдеворни қурмоқ-чун шодон  
Ишчи шаҳди билан бел бойлайди, бел.

### БЕБАҶО ЕР ЧАНГИ

Гўзалдир бу олам ва тоғлар бағри,  
Гўзалдир ердаги фаровонлик ҳам.  
Гўзалдир она ер — гар қучса қаъри...  
Розиман чангига бошимни эгсам.

Гўзалдир мавжудод, — сирли таркиби,  
Ва ернинг чиришдек тақдир — қисмати:  
Парчаланиб кетиб зарралар каби,  
Сўнгра аралашиб кетмоқ хислати.

Бахтлиман ва шодман, умр кечириб,  
Мангу қолишимдан тургунча дунё.  
Мен абад қоламан кетсам-да чириб,  
Тупроққа қоришиб чангдай бебаҳо.

## МУНДАРИЖА

### «ДИЕЗА ВА БЕМОЛАЛАР» ТУПЛАМИДАН

Ҳаёт. <i>Миртемир</i> таржимаси . . . . .	7
Нега? <i>Сайёр</i> таржимаси . . . . .	8
Қўллар. <i>Шайхзода</i> таржимаси . . . . .	9

### «МУДДАО» ТУПЛАМИДАН

Вайрона кўнгил умиди. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	10
Беҳуда ҳаваслар. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	13
Ҳижрон — юпатқич. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	16
Шубҳа ўрташи <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	18
Ҳорғинлик. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	20
Хайрлашув. <i>Шайхзода</i> таржимаси . . . . .	21
Шоирга хитоб. <i>Шайхзода</i> таржимаси . . . . .	23
Қадим замондан буён. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	28
Муҳаббатим билониҳоя. <i>Шайхзода</i> таржимаси . . . . .	29
Унутиб. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	31
Билмадим, бу яхшими ё йўқ? <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	33
Ушанда ва энди. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	35
Холи хонадон. <i>Шайхзода</i> таржимаси . . . . .	37
Қош қорайганда. <i>Шайхзода</i> таржимаси . . . . .	39
Бир эркак ҳасрати. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	41
Бир аёл ҳасрати: <i>Шайхзода</i> таржимаси . . . . .	45

### «ОЛТИН ҚАЙИҚ» ТУПЛАМИДАН

Олтин қайиқ. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	49
Жамунанинг юраги. <i>С. Акбарий</i> таржимаси . . . . .	51



**«ЧИТРА» ТУПЛАМИДАН**

Бахт. С. <i>Акбарий</i> таржимаси . . . . .	53
Икки таноб ер. С. <i>Акбарий</i> таржимаси . . . . .	55

**«ЧОЙТАЛИ» ТУПЛАМИДАН**

Суюкли. С. <i>Акбарий</i> таржимаси . . . . .	58
Кечув. Ю. <i>Шомансур</i> таржимаси . . . . .	59
Қўр муҳаббат. М. <i>Иқром</i> таржимаси . . . . .	60
Банголия онажон. С. <i>Акбарий</i> таржимаси . . . . .	61

**«НАҚЛЛАР» ТУПЛАМИДАН**

Интиқом. С. <i>Акбарий</i> таржимаси . . . . .	62
Ҳакам. М. <i>Иқром</i> таржимаси . . . . .	69

**«ЛАҲЗА» ТУПЛАМИДАН**

Қора ғунча. С. <i>Акбарий</i> таржимаси . . . . .	72
---	----

**«БОЛАЛАР» ТУПЛАМИДАН**

Дуо. <i>Шукрулло</i> таржимаси . . . . .	74
--	----

**«ҚУШИҚЛАР» ТУПЛАМИДАН**

«Сен ҳорибсан». <i>Шукрулло</i> таржимаси . . . . .	76
«Узанларга кирди янгидан оқин...» <i>Шукрулло</i> таржимаси . . . . .	77
«Мен васваса девонасиман». <i>Сайёр</i> таржимаси . . . . .	78
«Ақлсиз деб аташар сени». <i>Гулчеҳра</i> таржимаси . . . . .	79
«Севганларинг яқинларинг». <i>Шукрулло</i> таржимаси . . . . .	80
«Едимда». <i>Шукрулло</i> таржимаси . . . . .	81

**«ГИТАЛИ» ТУПЛАМИДАН**

«Она ерга келди...» <i>Шукрулло</i> таржимаси . . . . .	82
«Олов қалбим». <i>Сайёр</i> таржимаси . . . . .	83
«Бир қўлида қисиб». Ж. <i>Жабборов</i> таржимаси . . . . .	85
«Булултар келишга ваъда этдилар». Ж. <i>Жабборов</i> тар- жимаси . . . . .	86
Менинг қалбим бекаси». <i>Гулчеҳра</i> таржимаси . . . . .	87

«Суз менинг қўшиғим». Ж. Жабборов таржимаси . . .	88
«Уйимдан мен чироқ келтирдим». Ж. Жабборов тар-	
жимаси . . . . .	89
«Йўлчиман». Шукрулло таржимаси . . . . .	90
«Аввал ҳам...» Шукрулло таржимаси . . . . .	91
«О сайёҳ сен каби...» Ж. Жабборов таржимаси . . . .	92
Сўнги тортиқ. Ж. Жабборов таржимаси . . . . .	93
Ўл қўшиғи. Ж. Жабборов таржимаси . . . . .	94

**«ЖҲЖА» Тўпламидан**

Сурат. Ж. Жабборов таржимаси . . . . .	96
«Биз олға борамиз». Ж. Жабборов таржимаси . . . .	101

**«ХОТИМА» Тўпламидан**

Савол. Шукрулло таржимаси . . . . .	103
-------------------------------------	-----

**«ЯНГИДАН» Тўпламидан**

Сўнги мактуб. Шухрат таржимаси . . . . .	104
Оддий қиз. Шухрат таржимаси . . . . .	107
Ягона садо. Ж. Жабборов таржимаси . . . . .	111

**«ЯИҒНОҚ» Тўпламидаё**

Гул. Ю. Шомансур таржимаси . . . . .	114
--------------------------------------	-----

**«ДАВР» Тўпламидан**

Африка. Ж. Жабборов таржимаси . . . . .	116
---	-----

**«ГИТОБИТАН» Тўпламидан**

Банголия тупроғи. С. Акбарий таржимаси . . . . .	118
«Алам косаси тўлди...» С. Акбарий таржимаси . . .	119
«Шўрликкинам қақирганингда». С. Акбарий таржимаси.	120
«Соядай ўтди жонон». Ж. Жабборов таржимаси . . .	121
«Қора булут бағрин...» Ж. Жаббаров таржимаси . .	122
«Тунги осмон». Ж. Жабборов таржимаси . . . . .	123
«Бахтиёрман». М. Икром таржимаси . . . . .	124

«Янги дунё тонги». Э. Воҳидов таржимаси . . . . .	125
Она нидоси. Шуҳрат таржимаси . . . . .	126
Сенсан, онажон. Э. Воҳидов таржимаси . . . . .	127
Банголия лакшми. Шукрулло таржимаси . . . . .	129
Умид. Шуҳрат таржимаси . . . . .	130
Янги йилга. Э. Воҳидов таржимаси . . . . .	131
Ўзгалар кийими. Э. Воҳидов таржимаси . . . . .	133
Икки муқојса. Э. Воҳидов таржимаси . . . . .	134
Айрилиш. Э. Воҳидов таржимаси . . . . .	135

#### «ОҚШОМ» ТУПЛАМИДАН

Танишув. Шуҳрат таржимаси . . . . .	137
Елкан. Шуҳрат таржимаси . . . . .	139

#### «ТУҒИЛГАН КҮНДА» ТУПЛАМИДАН

Жаҳоний уйғунлик. Э. Воҳидов таржимаси . . . . .	141
--	-----

#### «БЕТОБЛИҚДА» ТУПЛАМИДАН

Эшикни оч. Ю. Шомансур таржимаси . . . . .	144
--	-----

#### «СОҒАЙИШ» ТУПЛАМИДАН

Очиқ дераза ёнида. М. Икром таржимаси . . . . .	145
Соат занг уради олисда. М. Икром таржимаси . . . . .	147
Одамлар меҳнат қилади. М. Икром таржимаси . . . . .	149
Бебаҳо ер чанги. М. Икром таржимаси . . . . .	151

*На ўзбекском языке*

РАВИНДРАНАТ ТАГОР

СОЧИНЕНИЯ, т. 8

Редактор *Э. Боҳидов*.  
Рассом. *Р. В. Левицкий*  
Расмлар редактори *Г. П. Бедарев*  
Техн. редактор *Л. Парпихўжаев*  
Корректор *И. Қобилов*

Босмахонага берилди 9/1-1965 й. Босишга рухсат этилди. 25/11-1965 й.  
Формати 84×1081/... Босма л. 4,875. Шартли босма л. 7,99. Нашр л. 4,5.  
Тиражи 7000. Индекс. 6/а. «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 154—61.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг  
3-босмахонасида босилди. Тошкент, Ленинград кўчаси, 15.  
Заказ № 23. Баҳоси 53 т.